

41. 45  
X. 98

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ  
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хукукида

УДК 631.415.3/633.111.1(575.171)

Барно Хўжаниязова Хушнудовна

Мавзу:“Тупроқ шўрланишини кузги буғдой навлари  
уругларини унувчалигига таъсирини ўрганиш”

5A140101-Биология  
( фани буйича)

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация .



Илмий раҳбар:  
Матяқубова Ю.

Урганч – 2013 йил.

**“To study soil salinity effect to the seedling growth of winter wheat varieties”, Xujaniyozova Barno, requestor for Master student academic degree in Biology**

**Summary**

*Relevancy*  
consist about  
develop the m  
Therefore, no  
mentioned requi

*Aim and*  
more productiv  
which is collect  
findings for the

*Subjects*  
laboratory, NaCl

*Summary*  
laboratory conditi  
Observations, mea  
research institute i  
milling measureme  
(1961). Observatio

**topic.** In Uzbekistan 15.9% of agricultural land is saline, which area in Khorezm and Karakalpakistan. It is very important to find productive, highest quality, disease and salinity resistance variety. Therefore, it is necessary to find suitable winter wheat variety above requirements.

**fic objective:** Study and analyze of mark and good parameter, at variety grown in Khorezm and Karakalpakistan saline soil in world wheat variety gen-bank, and recommend preliminary breeding.

**Search:** 120 winter wheat variety, agricultural resource saving seed germination and development, assessment.

**esearch steps and methodological basis.** First time in studied and assessed the winter wheat varieties salt tolerances. Measurements and calculations have done by Russian Plant science section (1984). During the research grain quality, protein and were analyzed under acidic opulent methods by Pumyanskiy mathematically analyzed by Dospesov (1985)



## Мундаражা

1	Кириш.....	4
2	2. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.....	7
2.1	Буғдой ўсимликларининг тупроқ шўрланишига чидамлилиги муаммолари ва уларнинг ечими.....	7
2.2	Ўсимликларнинг тупроқ шўрланишига чидамлилигининг физиологик ва генетик асослари .....	17
2.3	Буғдой навларининг шўрланишга чидамлилик хусусиятларини ўрганиш.....	20
3	ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИЁТИ.....	29
3.1	Хоразм вилоятининг географик жойлашуви, иқлими ва ўсимликлари.....	29
3.2.	Тадқиқот объекти ва предмети .....	39
3.3	Тадқиқот услуби.....	41
4	ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ	45
4.1	Кузги буғдой нав намуналарини танлаш ва ўсиш даври бўйича баҳолаш.....	45
4.2	Шўр сувда ивтиилган кузги буғдой уруғларининг унувчанлигига NaCl тузининг ҳар хил қонцентрациясини таъсири.....	55
4.3	Кузги буғдой майсаларининг ўсишига NaCl тузини ҳар хил қонцентрацияларнинг таъсири.....	59
4.4	Ҳар хил кузги буғдой навларининг шўрланишига чидамлилиги бўйича кластерлаш.....	65
	Хулоса.....	69
	Ишлаб чиқаришга тавсия.....	72
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	73

## Кириш

**Долзарблиги.** Мустакилликдан сўнг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлиги асосида сугориладиган экин майдони ерларидан 1,310 минг гектарига дон экинларини жойлаштириш вазифаси қўйилди ва бу ишлар изчиллик билан амалиётга тадбик этилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизнинг деярли 80-90 % сугориладиган буғдой майдонлари Краснодар ўлкаси селекциясининг ҳосилдор интенсив типдаги навлари экилиб келинмоқда. Бу навлар тупроқнинг мелиоратив шароити яхши ҳосилдор бўлган минтақаларда ўзларининг юқори ҳосилдорлигини кўрсатиб келмоқда. Лекин балл бонитети паст, сув билан кам тамилланган шўрланган тупроқли мелиоратив аҳволи нокулай бўлган ерларга жойлаштирилганда уларнинг ҳосилдорлиги кескин пасайиб, кам ҳосил етиштирилмоқда. Маълумки, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларининг 15,9% шўрланган бўлиб, бу кўрсатгич Хоразм ва Қорақалпогистон республикасида 86-96% ерни эгаллайди. Ушбу худуд шароитларида ерларнинг шўрланиш даражаси кескин ошиб бормоқда. Буларнинг асосий сабаби, Амударё сувининг сугориш учун ишлатиладиган сув миқдори кўпайиб, коллектор-дренаж сувларининг дарёга қайтиб қўйилиши, ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланмаслик оқибатида худуднинг гидрогеологик шароити ёмонлашиб об-ҳавонинг қурғоқчилиги кучайиб кучли шўрланган сизот сувларининг буғланиши натижасида баҳорда буғдой далаларидаги тупроқнинг юза қисми қордек оппоқ бўлиб кетади.

Тупроқ шўрланиши яъни тупроқ эритмасида тузлар эритмасининг ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлиши, бугдой ўсимлигининг ўсиб ривожланиши учун салбий таъсир кўсатиб ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Мураккаб экологик шароит буғдой ўсимлигининг ҳосилдорлигини пасайтириш билан бир вақтда хўжалик учун муҳим бўлган маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади. Буғдой ўсимлигининг

шўрланишга чидамлилигини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолари бўлиб колмоқда. Ўсимликларнинг шўрланишига чидамлилигини орттиришнинг энг самарали экологик тоза усули бу экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиб ишлаб чиқаришга жадал жорий қилишни тақоза этади. Серхосил, юқори моҳсулдорлик имкониятларига эга бўлган, юқори сифатли маҳсулот берадиган касалликларга, тупроқнинг шўрланишига чидамли навларни яратиш учун энг аввало мазкур талабларга тўла жавоб берадиган бошлангич маънбаларни аниқлаш ва улар асосида янги навларни яратиш ҳозирги куннинг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бошлангич маънбалар Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг иқлим шароитида ўрганилиб, уларнинг қимматли белги ва хусусиятлари асосида маҳаллий шароитда яратилган навлар камчиликларини тўлдириш ёки уларнинг имкониятларини ошириш мумкин бўлиб, ушбу йўналишдаги изланишлар долзарб ҳисобланади.

**Мақсад:** Кузги юмшоқ бугдойнинг жаҳон коллекциясидан олинган нав намуналарини шўрланган тупроқ шароитида ўрганиш асосида Хоразм ва Қорақалпоғистонда буғдой селекцияси учун қимматли хўжалик белги ва хусусиятларга эга бўлган донорларини аниқлаш, танлаб олиш асосида янги бошлангич маънбаларни амалий селекция ишларига тавсия қилишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Олдимизга қўйилган мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

- Кузги юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси нав намуналарини селекция учун қимматли хўжалик белги ва хусусиятларини ўрганилади.
- Юмшоқ кузги буғдой нав намуналарининг шўрланишга чидамлилигини лаборатория шароитида ўрганиш.
- Шўрланишга чидам кузги буғдой навларини шўрланган тупроқ шароитида экиш учун тавсия ишлаб чиқиши.

**Тадқиқод обьекти ва предмети.** Тадқиқод обьекти сифатида юмшоқ кузги буғдойнинг жаҳон коллекциясини шўрланган тупроқ шароитида

Ўрганиш учун ИКАРДА ташкилотидан 120 та нав намуналари олиниб Хоразм зилояти Урганч тумани ЎзПИТИ Хоразм филиали тажриба майдони худудига экилди. Нав намуналари фойдали хўжалик белги ва шўрланишга чидамлилиги хусусияти бўйича комплекс равишда ўрганилди ва баҳоланди.

**Тадқиқод услуби.** Илмий тадқиқод ишлари 2010-2012 йиллар мабойнида буғдойнинг жаҳон коллецияси кўчатзорида шўрланган ва шўрланмаган тупроқ шароитида ўрганилди. Кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлилар Бутун руссия ўсимликшунослик институти услугбий кўрсатмаси (1984) асосида, доннинг сифат кўрсаткичлари, клейковина миқдори ювиш усули билан, седимнтация кўрсаткичи ҳамирнинг уксус кислотасида кўпчиш орқали Пумпянский (1961) усуларида аникланди. Математик таҳлиллар Б.А. Доспехов (1985) бўйича ўтказилди.

**Тадқиқод натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Биринчи маротаба юмшоқ кузги буғдойнинг нав намуналари таққослаш асосида шўрланишга чидамлилиги ўрганилди ҳамда қимматли хўжалик белги ва шўрга чидамлилиги хусусияти бўйича баҳо берилди. Ўрганиш натижасида танлаб олинган нав намуналари шўрга чидамлилик, эртапишарлик, курғоқчиликка, иссиқка касалликларга ва ўсимликларнинг ётиб қолишига чидамлилиги, моҳсулдорлиги, дон сифати, 1000 дона дон вазни бўйича селекцияда шўрланишга чидамли юмшоқ кузги буғдойнинг янги навларини яратиш ишларида бошлангич маънба сифатида фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилди.

**Илмий ишнинг натижаларининг нашр қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 2 та илмий иш чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация иши 80 бетда баён қилинган. Унда кириш қисми, адабиётлар шархи, тадқиқодни бажариш шароити, обьекти, усуллари, натижалари, хулосалари, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилган. Диссертация ишида 9 та жадвал ва 7 та расм берилган, 89 та илмий адабиётлардан фойдаланилган, шулардан 26 таси хорижий манбалар.

тажрибада синаб ўрганиб кўриб бу уччала йўналишнинг иқтисодий самарадорлиги бир хил эмаслигини аниқлаган. Бу тажрибада таркибида 30-40 г/л туз билан денгиз суви 10 мартағача суюлтирилиб ушбу буғдой ўсишига таъсири ўрганилганда Бридинг услуби яъни классик генетика услубида яхши натижаларга эришилган. Хужайра культураси *in vitro* келажакка умидни янада оширган. Ген муҳандислиги имкониятлари чексиз эканлиги аниқланиб, аммо ҳозирча кам ишоничлидир деб таъкидланган. Ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигини оширишда ДНК рекомбинациясидан фойдаланиш туфайли ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин эканлиги исботланган. Ҳозирги кунда ушбу технология асосида антибиотикларга, гирбицидларга ва бошқа моноген характерга эга бўлган экстремал омилларга нисбатан чидамли бўлган ўсимлик формалари яратилган. Шўрланишга нисбатан чидамлилик, мультиген белги бўлсада, уни амалга оширишда бир қанча қийинчиликлар ва тўсиқлар бор. Уларнинг мураккабларидан бири бу шўрланишга жавобгар генлар ҳақида маълумотнинг камлиги ва шу сабабли шўрланишга чидамлиликни ошириш учун қайси генни киритишни яхши билмаслик, яъни шўрланишга чидамли генларни ажратиш уларни идентификациялаш ўсимликлар чидамлилигини оширишда муҳим қадам бўлиши мумкин (Hin Jian He, 2001).

Шўрланишга чидамлиликни оширишда асосий эътибор физиологик-биокимёвий изланишларга қаратилиши лозим. Ушбу йўналишдаги изланишлар фақатгина қишлоқ хўжалигига янги навлар яратилишига хизмат қилиб кўймасдан, балким “Стресс-жавоб” жараёнларининг молекуляр механизмини тўлароқ тушунишга ҳам ёрдам беради ( Жученко, 1994; Ковалев, 1997).

Адабиётлардаги маълумотларга асосланиб, ўсимликларга ҳос бўлган шўрланишга нисбатан чидамлиликда асосан иккита ҳимоя воситаси ҳақида сўз боради. Бунда ортиқча ионларнинг хужайранинг нисбатан инерт компартментларида, масалан вакуолаларда йиғилиши, ёки ортиқча ионларнинг хужайрадан чиқарилиши. Ионларни йигиши ва уларнинг фотоассимиляцияловчи органлар ҳамда ҳосил органлари орқали чиқаришидан ташқари, ўсимлик хужайралари цитоплазмасида, ферментлар фаолияти учун

зарарли бўлмаган метаболитларни йигиш туфайли кимёланиш хусусияти ҳам мавжуд (Лапина, Строганов, 1979; Полевой 1989; Lauchi et U, 1984).

Маълумки шўрланишга чидамлилик ҳозирги замон ўсимликлар физиологиясининг ва амалий ўсимликишуносликнинг муҳим муаммоларидан хисобланади. Қишлоқ хўжалик экинларини экиш мақсадга мувофиқ бўлмаган бирламчи ва иккиламчи шўрланишга учраган ер майдонлари республикамиз суториладиган экин майдонларининг 60% ортиқроқ қисмини ташкил қиласди. (УзР “Ер ресурслари” атласи, 2001).

Полиаминалар ҳам пролин сингари моддалардан айрим тур ўсимликларнинг тупроқ шўрланишига чидамлиларини ажратиб олиниб биокимёвий маркер сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, шўрланиш шароитларида ҳужайралардаги ионлар гомеостази ва ионлар регуляцияси механизмлари ҳам яхши ўрганилмаган. Галофит ва гиликофит ўсимликлар ҳужайралари компартментлари тузилишидаги мемброналарининг вазифасидаги ионлар ташилувидаги бир-биридан фарқи аниқланмаган. Шунинг учун, юқоридаги муаммоларни ҳал қиласдан, шўрланиш шароитида ўсимликлар чидамлилигини ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий вазифаларни ечиш мумкин эмас (Минаев ва бошқалар, 1992).

Шуни айтиб ўтиш керакки, шўрланишга чидамлилик бу организмнинг ўзига ҳос эволюция жараёнида шаклланиб келган хусусиятларидан биридир. Унинг асосида ҳужайра ташқарисидаги ионлар микдори у ёки бу даражада бўлганда цитоплазманинг гомеостазини ушлаб туришда асосан икки гурух ижро механизмлари қатнашади (Удовенко, 1995).

Мұхитдаги NaCl тузининг микдори ўзгариши билан мембрана потенциалининг камайиши, бошқа бир олимлар томонидан ҳам кузатилган (Зубов, 1973; Шевякова, 1989).

Шўрланишнинг ҳужайрага бирламчи таъсири, бу плазмалемма электрик потенционалининг пасайишидир. Демак, ҳужайрага  $\text{Na}^+$  ва  $\text{Cl}^-$  ионларнинг ютилиши билан бирга уларни чиқарувчи механизмлар ҳам мавжудки,

уларнинг иши туфайли ионларнинг хужайрадаги микдори камайиб туради, қўпчилик олимларнинг фикрича ўсимлик хужайраси плазмалеммасида анион АТФ лар ҳам мавжуд. Бу соҳада нисбатан ишонарли далиллар Limonium ўсимлиги туз ажратувчи безлари мисолида олинган (Hill, 1963). Шўрланиш шароитларда цитозолда ионлар микдорини бошқаришда иккита асосий вазифа кузатилади (Больнокин, Строгонов, 1989).

- 1) Плазмалемманинг тўсиқлик хусусияти, яъни ўтказувчанлик ва унинг ионлар насоси иши туфайли бошқарилиши.
- 2) Цитозалдан ионлар ташилувини амалга оширувчи ионлар насоси вазифаси.

Муҳитга туз ионларини киритиш шўрланиш шароитида хужайрада иккита ўзига хос жараённинг вужудга келишига олиб келади. Бир томондан тузлар таъсирида хужайра ўз сувлилик даражасини ушлаб туриши, иккинчи томондан цитозолдаги ионлар микдорини паст даражада ушлаб туриши лозим. Хужайра ташқарисида тузлар микдорининг ортиши хужайра ички муҳитида сувнинг камайишига олиб келади. Сувсизланишдан кутилиш ёки унинг даражасини пасайтириш учун плазматик мемброналарда ион каналлари очилади. Натижада ионларнинг хужайра ичкарисидаги концентрацияси кўпайиб осмотик босими ошишига, бу эса ўз навбатида хужайра ичкарисига сувнинг қайтадан киришига сабаб бўлади. Бунинг натижасида хужайранинг сувлилик даражаси нисбатан бўлсада тикланади. Аммо хужайра ичидаги ионларнинг кўпайиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар хужайра биополимерларига салбий таъсир қилиб метаболизмнинг бузилишига олиб келади. Бунинг натижасида хужайрада органик табиатли осмотик моддалар синтезлана бошлайди. Органик табиатли осмотик моддалар тўпланиши мобайнида улар ортиқча ионлар ўрнини эгаллай бошлайди ва ионлар хужайра ташқарисига ташила бошлайди ва охир оқибатда ионларнинг микдори муқобил микдорга яқин бўлиб қолади.

Ушбу осмотик моддалар хилма-хилдир, чунки турли ўсимликлар ҳар-хил органик осмотик моддаларни синтез қиласи. Асосан улар сахароза, фруктоза,

жэлтоза ва глюкоза каби углеводлар, маннит, глицерин каби спиртлар ва  
эролин, бентаин каби таркибида азот сақловчи бирикмалар бўлиши мумкин  
(Flowers, Troke, Yeo, 1977; Briens, Larher, 1982). Бу бирикмалар ҳужайрада  
турли заарланишлар келтириб чиқармайди, балки цитозол биополимерларига  
исбатан протекторлик хусусиятига ҳам эга (Borowitzka, Brown, 1974).  
Ҳужайраларда шўрланиш таъсирида осмотик-протекторлар синтезланиши ва  
тиғилиш жараёни ҳозирда жадал ўрганилмоқда. Аммо бу жараённинг  
молекуляр механизмлари ва уларнинг ҳужайрадаги бошқа биополимерлар ва  
оксиллар билан ўзаро таъсири ҳозирча тўла аниқланмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики,  
ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигига ҳужайралар плазматик  
мембраналари алоҳида ўрин тутади.

Ҳужайраларда ионлар таркибини бошқариш муаммосининг иккинчи бир  
томони бу цитозолдан ионларни чиқаришга қаратилган ионларнинг фаол  
ташилувидир. Шўрланиш даражаси қанчалик катта бўлса ҳужайрага ионлар  
ютилиши босқичида шунчалик кўп  $\text{Na}^+$  ва  $\text{Cl}^-$  ионлари ютилади, глиофит  
формадан галофит формага ўтиш ионлар насосининг такомиллашиб, кўпроқ  
иши бажариши билан боғлиқ. Шунингдек, ўсимликларнинг  $\text{NaCl}$  тузига  
мосланиши бир бирлик мембрана юзасидаги насослар сонининг ортиши билан  
ҳам бориши мумкин.

Умуман, юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб шуни  
айтиш мумкинки, галофит типидаги ўсимликлар махсус ион ташувчи  
системага, яъни ташувчи АТФазаларга эга бўлиб, бу система мембраналарида  
 $\text{H}^-$ -АТФаза ва  $\text{H}^+/\text{Na}^+$  антипортер билан биргаликда фаолият кўрсатади. Ана  
шу АТФазаларни топиш, ажратиш ва унинг хоссаларини ўрганиш  
ўсимликларнинг тупроқ шўрланишига чидамлилигига алоҳида ўрин тутиши  
мумкин.

Шунингдек, ўсимликларнинг шўрланишга чидамлилигига  
ҳужайралардаги Са ионларининг микдори ҳам алоҳида ўрин тутиши мумкин  
(Азимов, 1963; 1989). Барча озиқ элементлари мұхитида калций етакчи ўринни

эгаллайди. Чунки  $\text{Ca}_2^+$  фақат озиқ элементи сифатида эмас, балки рН мұхитини түргүнлаштириб туриши билан ҳам ҳарактерланади.

Озиқ мұхитининг таркибиға қараб эса у бошқа ионларга нисбатан үсимликларга ютилишига таъсир қилиши мүмкін. (Кондартьев ва бошқалар, 1984; La Haye, Epstein, 1971; Addiscott, 1974; Ayoub, 1974; Penot, 1974; Keltjens, 1983; Grath, Robson, 1984). Озиқ мұхитида кальций элементининг етишмаслиги үсимликлардаги илдиз озиқланишига ҳам таъсир қилиши мүмкін.

Элементлар нисбатининг зарурлиги тупроқда ҳамда үсимликларда бир қыл эканлиғи бир қанча олимлар томонидан эътироф этилган (Nielsen, Hnsen 1984; Nielsen, Sorensen, 1984). Айниқса, шўрланиш шароитида кальций ғўза учун кўп керак. Ғўза даласида тупроқ эритмаси нормал бўлган шароитда кальцийнинг миқдори К, Na ва Mg элементлари миқдорига тенг бўлади. Бундан ташқари кальций хлорофиллар синтези ва хлоропластлар шаклланишида ҳам здохида ўрин тутади (Лебедев, Кляченко, 1971). Аммо хлоропластлар шўрланишнинг таъсири маълум бир үсимликларнинг шўрланишга чидамлилиги ҳолатига ҳам boglik. Масалан, натрий Cl билан шўрланиш шароитида нўхат үсимлиги барглари хлоропластларида гранулалар ҳосил бўлиши тузнинг мұхитдаги 2,9 атм. миқдорида юзага келса, маккажӯхори үсимлигига ушбу ҳол тузнинг 7,0 атм. даражасида юзага келади. Натрий тузлар унаётган уруғлар илдиз ҳужайраларида митоз босқичи инициациясини пасайтиради (Авилова, Ляхова, Мешкова, 1983). Аммо кальций ва натрий ионлари илдизлар ҳосил бўлишини кофактори ҳисобланади ва улар етишмаганда меристеметик ҳужайралар кўпаймайди (Tripathi, 1974). Кальций етишмаслигига чангчилар ҳам үсмаслиги мүмкін (Nambadiri, Thomas, 1974). Мұхитда NaCl миқдорининг юқори бўлиши фақатгина ҳужайраларнинг бўлишига салбий таъсир қилиб қолмасдан, балким ҳужайралар дифференцировкасига ҳам салбий таъсир қиласи (Жуковская, 1973).

Үсимликларнинг ноқулай мұхит шароитларига мосланишида кальцийнинг сирка кислотаси билан ҳосиллари мұхим аҳамиятга эга. Шунинг

Ушбу формаларнинг турғунлашиши шўрланиш шароитида тузларнинг таъсири камайганлигидан далолат бериши мумкин. Шунингдек етишмаган шароитда шавел кислотасининг ҳам кўп миқдорда ғилиши ва унинг  $Mg_2^+$  билан таъсири натижасида хлорофилл молекуласининг парчаланиши ҳамда кальций оксалат ҳосил қилиб ҳужайра зеворининг кальций пектат қобиги емирилишига олиб келиши мумкин (Азимов, 1989). Ҳозирги кунда шўрланишнинг ҳужайра тузилишига ва ферментлар тузилишига таъсири ҳакида деярли маълумотлар йўқ ҳисоби. Ӯсимликларнинг шўрланишга чидамлилигига мембраналарнинг ионлар тказувчанлиги алоҳида ўрин тутади (Лев, 1975). Биологик мембраналар таркибидаги оқсилларнинг 95% функционал фаол бўлиб, 5% тузилма оқсиллар таркибига киради (Гельман ва бошқлар, 1972). Ғўзанинг шўрланишга чидамлилиги унинг илдиз ҳужайралари мембраналари  $H^+$  АТФазаси иш фаолияти билан белгиланади (Ивлева, 1994).

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, шўрланиш таъсирида ҳужайрада ва бутун Ӯсимликда келиб чиқадиган ўзгаришлар аввало Ӯсимлик илдизлари мембраналари фаолиятига боғлиқ бўлиб, ундаги кўпчилик оқсил ва липид компонентлари хоссаларининг ўзгариши туфайли рўй беради. Ӯсимликларнинг тузларга чидамлилиги турли агротехник услублар ёрдамида ҳамда навлар селекцияси туфайли оширилиши мумкин. Ушбу услубларни оқилона қўллаш учун Ӯсимликларнинг стрессларга мосланиши механизмларини яхши билиш талаб қилинади. (Удовенко, 1995; Бекпанов, 2002). Ӯсимликларнинг ноқулай муҳитга нисбатан физиологик реакцияси деярли бир типда бўлиб номахсус хусусиятга эга. Ӯсимликларнинг ноқулай муҳитга чидамлилиги хусусияларини ўрганишган бошқа бир қанча олимлар ҳам шундай фикрга келишган (Приходько, 1977; Эйдус, 1977; Удовенко, 1986; Батигин, 1986; Balazubramania, 1974). Шу сабабли турли хил стрессларга, шу жумладан шўрланишга нисбатан мосланиш механизmlари умумий қоидаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқdir.

хусусиятга эга гормонлар миқдорининг ортиши (Виноградова, 1970), ҳужайралар бўлиниши ва чўзилишининг секинлашиши (Удовенка, 1977) ҳужайраларга экстремал омиллар таъсирининг иккиламчи ҳосилалари деб бераш мумкин. Шунингдек, стресс шароитларида бир қанча моддаларнинг ўсимлик ҳужайрасидаги миқдори ошади. Бундай моддаларга мисол қилиб сувда эрувчи оқсиллар миқдорининг ортиши (Удовекно, 1977), пролиннинг кўпайиши (Treichel, 1975), углеводлар миқдорининг кўпайишини (Heber, Santarius, 1976) кўрсатиш мумкин.

Озиқ мухитида тузлар ва ионлар миқдорининг нормадан юқори бўлиши ўсимликларнинг ўлимига олиб келади. Ўсимликларга тузларнинг ҳолатли таъсири бўйича бир қанча фикрлар мавжуд. Булардан бирига асосан мухитда тузлар миқдорининг кўп бўлиши тупроқ эритмасининг осмотик босимини ёшириб юборади. Шу сабабли ўсимликнинг тупроқдан сув ютишини кийнлаштиради (Строгонов ва бошқалар, 1970). Кейинги йилларда нашр этилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, шўрланиш шароитида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг ёмонлашиши ҳужайрада тўпланувчи ионларнинг токсик таъсири билан ифодаланади. Шўрланиш шароитида ўсимлик ҳолатига сабаб бўлувчи унинг тўқималарида тузлар миқдорининг юқорилигидир (Ахунов ва бошқалар, 2008).

Ушбу фикр NaCl, KCl ва полиэтиленгликол (ПЭГ) моддаларининг турли осмотик потенциалларини солиштириш натижасида ўз тасдифини топган (Ben – Hauyim ва бошқалар, 1986 ).

Мухитда NaCl ва KCl тузлари миқдорининг кўп бўлиши уруғлар бўкишини қийнлаштириб ўсимликлар уруғларининг унишини секинлаштиради (Sharma, 1983; Romo ва бошқалар, 1987). Тузларининг юқори концентрациясида ўсан ўсимликлар назорат вариантига нисбатан фақатгина ўсишда орқада қолмасдан балким барглар ва илдизлар биомассаси миқдори ҳам кам бўлади (Weimberg ва бошқалар, 1984; Eahel, 1985).

Ўсимликларда шўрланиш шароитида барглар биомассаси камайиши билан биргаликда улардаги хлорофилл миқдори ҳам камаяди. Бу эса ўз

Завбатида фотосинтез жадаллигига ва махсулдорлигига таъсир қиласи (Longstreth ва бошқалар, 1984). Шунинг билан биргаликда хлоридли шўрланиш ўсимликка азот ютилишига ҳам салбий таъсир қиласи (Lauchi, Epstein, 1984). Бунинг натижасида эса аминокислоталар ва оқсиллар синтези бузилади (Кавалев, 1997). Масалан: шўрланиш таъсирида буғдой майсаларида оқсилларнинг парчаланиши ва тўқималарида эркин аминокислоталарнинг тўпланиши кузатилади (Азизбекова ва бошқалар, 1985; Ostrem ва бошқалар, 1987; Joshi, Iyenger, 1986). Шунингдек, шўрланиш ғўза ўсимталарида хужайралар мемброналарининг оқсиллари таркибини ҳам сезиларли даражада ўзгартиради (Азимов, 1986; Адилов, 2008). Шўрланиш ҳидизларнинг шимиш қобилиятига салбий таъсири фақатгина турлар бўйича ғарқланмасдан, бир-бирига жуда яқин бўлган навлар даражасида ҳам ғарқланиши мумкин. Масалан, бир хил шўрланиш даражасида *Elytridia pontica* ўсимлиги *Elytridia intermedia* навига нисбатан уч баравар  $\text{Na}^+$  ионларини ютиб нормал ривожланишида давом этса, кейинги ўсимлик ўсимталари ўсишдан тўхтайди (Van ва бошқалар, 1986).

Хлорли ва сульфатли шўрланиш муҳити сули майсалари тўқималарига нитратларнинг ютилиши ва тўпланишига ҳам салбий таъсир қиласи (Aslam ва бошқалар, 1984). Ушбу муҳитда нитратларнинг ютилиши бир хил сомотик зритмаларда ўтказилиб, ушбу жараёнга  $\text{Na}_2\text{SO}_4$  тузига нисбатан  $\text{NaCl}$  тузи кучлироқ таъсир қилиши кузатилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкини, ўсимлик ўсаётган шўрланиш муҳитида тузлар ионларининг муқобил микдордан кўп бўлиши хужайраларга озиқ моддаларнинг ютилишига, фотосинтезга, нафас олиш жараёнларига, биосинтез ва бошқа физиологик-биокимёвий жараёнларга бевосита ёки билвосита таъсир қилиб окир-оқибатда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда унинг ҳосилдорлигига ҳар хил даражада генотипга боғлиқ таъсир этади.

## **2.2. Ўсимликларнинг тупроқ шўрланишига чидамлилигининг физиологик ва генетик асослари**

Ўсимликларнинг ҳар хил даражада тупроқ шўрланишга чидамлилиги тур ва популяцияларнинг табиий шароитда яшаш тарзининг узоқ эволюция тараёнида, ёки шўрланишга чидамлиликка йўналтирилган селекция натижасида шаклланади. Ўсимликларнинг экологик маконида сувда эрувчи ҳар хил тузларнинг кўпайиб кетиши, уларга осмотик, заҳарли ва маҳсус таъсир кўрсатибгина қолмасдан, экинларнинг ҳосилдорлиги камийишига, уларнинг технологик ва озуқа сифатларининг ҳам пасайиб кетишига олиб келади. Тузлар ўсимликларга фақат осмотик таъсир кўрсатса, улар ўсимлик түхайра ва тўқималарга киргандан кейин токсик ва маҳсус таъсир кўрсатади. Ўсимлик тўқималари тузларнинг таъсирига қанчалик чидамли бўлса, улар тузларидан шунчалик кўп туз тўплашлари мумкин. Шу сабабдан, ўсимликлардаги минерал тузларнинг сон ва сифат қийматлари уларнинг тузга чидамлилигининг бевосита кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин (яшаш муҳитининг шўрлигига мослашуви ва чидамлилигини ўрганишда тенг истиқболлар очиб беради. Тупроқнинг шўрланиши ўсимлик ҳаёт тараёнларининг кескинлашувига, сув режимининг бузилишига олиб келади Строгонов, 1962, 1966; Шевякова ва бошқалар, 1981, 1989; Азимов, 1989 ва бошқалар). Уларнинг экологик макондаги (ўсимликлардаги) миқдори белгили меъёридан ошиб кетгандагина тирик организмларга салбий таъсир тұрсата бошлайдилар. Ўсимликларнинг шўрланган экологик макон шароитида ўсиш ва ривожланишининг тўлиқ циклини давом эттира олиш кобилияти, уларнинг тузга чидамлилиги деб аталади (Рихтер, 1926; Генкель, 1954, 1982; Строгонов, 1962, 1966).

Баъзан ўсимликларининг биологик ва агрономик тузга чидамлилигини тарқ қиласидилар (Строгонов, 1962, 1966). Биологик тузга чидамлилик – бу ўсимликларнинг кучли шўрланган шароитда ўз ривожланишининг тўлиқ циклини ўтиб, органик моддалар тўплай олишидир. Бу ўсимлиқда ўсиш, ривожланиш ва ҳосил бериш жараёнлари жуда паст даражада ўтади.

“Биологик тузга чидамлилик” - тушунчаси “галотолерантлилик” тушунчасига күда яқин келади, тузга чидамлилик – бу ўсимликнинг юқори тузли шароитда ҳам ўз яшаш қобилятини сақлаб қолишидир.

Кишлоқ хўжалиги амалиёти учун агрономик тузга чидамли ўсимликлар катта аҳамиятга эгадир.

Тузларнинг катта қисми кучли метаболик жараёнлар кечмайдиган қисмида йиғилади. Бу масала бўйича Вайзель (Waisel, 1962), Г.В. Удовенко (1976), Скосырева 1944) асарларида қимматли маъумотлар келтирилган. А.В. Юрьева (1944) маълумотига кўра, кўп йиллик буғдой сомонида 16,3% қлор борлиги аниқланган.

Ўсимлик органлари бўйича тузларнинг тақсимланиши турличадир. А. Новиков (1942) турли даражада шўрланган тупроқларда ғўза ўсимлигини ўстириб, унинг турли органларида учраган хлор миқдори турлича қийматга жа бўлишини аниқлаган. Турли тажирибаларда (Шахов, 1956; Сайдов, 1966) ўсимликлар баргida энг кўп миқдордаги тузлар тўпланиши исботланди.

Ўсимликларнинг тузга чидамлилиги уларда кечадиган кўп омилларга (жараёнларга) боғлиқдир: Ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ўрганишнинг мураккаб томони шундаки, ўсимликдаги умумий жараёнларни хужайрада ўтадиган айрим жараёнларидан ажратиш қийиндир. Ана шунинг учун ҳам ўсимликларнинг тузга чидамлилиги ўсимлик шаклланишининг барча босқичларида, шу жумладан, хужайравий ва молекуляр даражада ҳам ўрганишни талаб қиласди.

Организмнинг нокулай омилларга - қурғоқчиликка, совуққа ва шўрга чидамлилиги ва уларнинг шу нокулай шароитга мослашуви онтагенезда намоён бўлади. Б.А.Келлер (1940), Гушин (1938), П.А. Генкель (1950), Б.П.Строгонов (1967) ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларига мувофиқ, тузга чидамлилик – бу хосса ва жараёндир. Гликофитлар билан галофитлар орасидаги фарқ сифат ва миқдорий томондан характерланади.

Галофитлар юқори тузли шароитда ўсишга мослашган ҳамда бу жараён гликофитлардагига қараганда анча чукур ва тез ўтади.

Ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ўрганиш тұғрисидаги таълимот катта роль үйнади (Рихтер, 1927). Концентрацияси 0,5 н эритмада буғдой ривожланиб, ҳосил берган. Туз концентрацияси 0,3 н дан юқори бўлганда ғунгабоқар ва гултожихўроздининг ривожланиши тўхтаган. Маданий ўсимликларнинг ҳар хил тузлар билан шўрланган шароитга чидамлилигини ўрганиш бўйича ҳам кўп илмий изланишлар олиб борилди (Пиунновский, 1952; Сайдов ва бошқалар, 1958; Сайдов, 1966; Азимов, 1989; Адилов, 2008). Аммо бу борада П.А. Генкел (1954) ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Муаллифнинг кўрсатишича, шўрда ўсган ўсимликда протоплазма воллоидларининг гидофиллиги ва ёпишқоқлиги ҳамда ҳужайра ширасининг осмотик босими ортади, протоплазма эластиклиги эса камаяди. А.А. Рихтер ғон заҳарлилиги бўйича мутаносиб эритмани қўлланиб, тузларнинг ўсимлик учун токсик таъсири, ўсимликда эса шўрга нисбатан маҳсус физиологик давоб реакцияси ҳамда ўсимликларнинг шўрга чидамлилигини ортириш макони борлигини аниқлади. Бир жинсли туз эритмасига қараганда, бир неча тузларнинг аралашмаси ўсимликлар учун кам зарарли бўлиши мумкин. Иккита заҳарли туз бир хил концентрацияда бўлганда, уларнинг зарарли таъсири анча камаяди. Бундай эритма мутаносиб эритма деб аталади, шу сабабли, тупроқ бир томонлама кучли даражада шўрланса, ўсимликлар учун нокулай бўлади. Шўр тупроқда ўсган маданий ўсимликнинг тупроқдаги озиқлик аҳамияти бўлмаган тузлари кўп бўлган тупроқка реакцияси кўп ҳолларда шу тузларнинг ўсимликка киришини чеклайди.

Ўсимликларнинг туз тўплаши ва шўрга чидамлилигини ўрганиш зотижалари шўр экологик маконда ўсиши учун ўсимликларда химоя–мосланиш реакциялари пайдо бўлишини кўрсатади. Адаптация жараёнида ўсимликлардаги фотосинтез ва нафас олиш интенсивлиги, азотли ва углевод алмашинуви, ферментлар активлиги ҳамда сув алмашиниш жадаллиги ўзгаради (Ахунов ва бошқалар, 2008). Тупроқда тез эрувчан тузларнинг кўп бўлиши ўсимликка унинг ўзи учун зарур бўлган тузларнинг киришига каршилик қиласи, жуда шўрланган ерларда ўсган ғўзада кул миқдори кескин

түпаяди (Ковда, 1984). Шунингдек, бундай шароитда ўсган гўза баргларидаги тузлар миқдори хам ортиб боради, кучсиз ва ўртача шўрланган тузларда ўстирилган гўза баргидаги кул миқдори 19,4 ва 22,1% бўлган (Строгонов, 1967; Сайдов, 1966). Азотли ўғит миқдорини кўпайтирганда (200 г/га) ўсимлик кулининг миқдори мос равища 20,1 ва 27,4% га етган (Пулатов, 1981).

### **2.3. Буғдой навларининг шўрланишга чидамлилик хусусиятларини ўрганиш.**

Ўсимликларнинг тузга чидамлилик даражаси генотип билан ишланади. Маданий ўсимликлар орасида ҳақиқий тузга чидамли галофит ўсимликлар деярли йўқ, лекин, тур ва нав ўзгачалиги бўйича шўрга чидамли кли ўрганилади. Шўрга чидамли экотиплар орасида генетик томондан зорат қилиб борилади. Шу сабабли селекция йўли билан шўрга чидамли кли ҳосилдорли навларни яратиш имконияти бор. Бир хил даражадаги тупроқнинг шўрланиш даражаси ҳар хил навларнинг ўсиб ривожланишга ва кли ҳосил тўплашга катта таъсир қилиши қўпчилик олимлар томонидан ишланган (Петров, Попов, 1986; Асалиев, 1986; Полонски, 2002; Кушиев, 2009).

Хинд олимларининг (Баласобраманъяма ва Сарин, 1974) маълумотлари бўйича тупроқнинг шўрланиш даражаси буғдой ўсимлигининг тўплаш сони, 1000 дона дон вазни ва бутун ҳосилдорлигини кескин пасайтириб юбориши ишланган. Айрим (Сингх, 1974) олимларнинг маълумоти бўйича паст даражада шўрланган тупрокларда буғдой ҳосилдорлиги, шўрланмаган тупроқларга солиширганда анча юқори бўлганлиги аниqlangan. Тупроқнинг шўрланиш даражаси меъёридан юқори бўлган шароитда буғдой ўсимлиги ҳосилдорлигининг кескин пасайганлиги аниqlangan. Айникса, шўрланган тупроқли ерларда бошоқдаги донларнинг оғирлиги кескин пасайиб кетиши кузатилган. Адабиётлар бўйича олинган маълумотларни таҳлил қилиб

чидамли навларини яратиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси бўлиб  
тамоқда (Удовенко, 1977; 1995).

Жученко А. Л. (1980) фикрича агарда шўрланган далаларда кетма-кет  
посиятга боғлиқ ўсимликлар танланганда навларнинг чидамлилигини  
никласа бўлади. Шу йўл билан экологик нокулай тупроқ иқлим шароитида  
чидамлилик юқори даражада бўлган қишлоқ хўжалиги экинларининг  
навларини яратишга имконият бўлади.

Республикамизда дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий  
куларидан бири, бошоқли дон экинларидан олинадиган ҳосилни кескин  
кўпайтириш зарур, шу туфайли бу мақсадларга эришиш учун интенсив  
технологияларни ва юқори маҳсулот берадиган тоза навларни кенг қўлланиш  
зарур. Сўнгги йилларда Республиkaning деярли 80-90% сугориладиган  
таларида четдан келтирилган интенсив типдаги буғдой навлари экилиб  
хелинмоқда. Бугдой навларини экологик синовдан ўтказиш, ҳар бир  
мухитнинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш ва уларни  
жойлаштириш мақсадида дала синов майдонларининг якуни, шунингдек  
хўжаликларда олинадиган маҳсулот сони кўрсатилади. Тупроқнинг  
мелиоратив аҳволи ва сув билан таъминланиши яхни бўлган далаларда  
интенсив типдаги Краснодор ўлкасидан олиб келинган навлар ўзларининг  
юқори маҳсулдор эканини кўрсатмоқда. Лекин бу интенсив типли навлар  
тупроқ бонитети паст, сув билан кам таъминланган ерларда  
жойлаштирилганда, маҳаллий навларга нисбатан, уларнинг маҳсулдорлиги  
кескин пасайиб кетиши маълум бўлмоқда. Шунинг учун Республиkaning куз,  
бахор ва ёз ойларида сув танқислиги натижасида, тупроқ ва ҳавода  
турғоччилик тез-тез содир бўладиган майдонларида, шунингдек тупроқ  
шумдорлиги паст, сув билан таъминлаш етарли бўлмаган далаларда, кўпроқ  
ўзимизнинг тупроқ иқлим шароитларига тўғри келадиган маҳаллий  
навлардан ҳосилдор Ёнбош, Маржон, Ғайрат, Янгийўл, Чиллаки каби буғдой  
навларини жойлаштириш, юқори ҳосил етиштириш имконини беради.  
Каттиқ ва юмшоқ буғдойлар ҳам ҳар хил турларга бўлинади. Бу турлар

ассосан бошоқ ва доннинг доимий морфологик белгилари бўйича ажратилади.

Буғдой турларининг асосий белгилари қуйидагича:

1. Бошоғи қилтиқли ёки қилтиқсиз

2. Туклилиги

3. Бошоқнинг ранги (оқ, қизил, қора)

4. Қилтиқнинг ранги (бошоқнинг ранги билан бирдек ёки қора қизил)

5. Доннинг ранги (оқ, қизил, саргиш, қизғиш, қизил-қўнғир ва қўнғир)

Ҳар бир турнинг ўзи бир нечта навларга бўлинади. Улар ассосан морфологик, биологик ва ишлаб чиқаришда қўллаш ўзгачаликлари бўйича ажратилади. Бир турнинг ўзида кузги ва баҳорги, ўрта пишар ёки кеч пишар бўлиши мумкин. Улар қишиги совуққа, шўрга, қурғоқчиликка чидамлилиги, шишгандан сўнг тўкилиб қолмаслик хусусияти, касаллик ва зараркундаларга чидамлилиги бўйича бир-биридан ажралиб туради.

Республикамиз ҳудудида янги серҳосил юкори маҳсулдорлик имкониятларига эга бўлган, ташқи ноқулай шароитларга, айниқса, тупроқнинг шўрланишига ва касалликларга чидамли навларни яратиш учун, энг аввало, мазкур талабларга тўла жавоб берадиган бошланғич манбаларни аниқлаш ва улар асосида янги селекцион навларни яратиш селекционер олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бошланғич манбалар сифатида четдан келтирилган хорижий навлар республикамиз иқлим шароитида ўрганилиб, уларнинг белги ва хусусиятлари асосида маҳаллий шароитда яратилган навлар камчиликларини тўлдириш ёки уларнинг имкониятларини ошириш мақсадида ўрганиш буғдой селекциясида муҳим ўрин эгаллайди, ушбу йўналишдаги изланишлар долзарб ҳисобланади.

А. Грязнов (1996) маълумотларига кўра, дон тўлишиш даври ва дон пишиши учун энг қулай шароит тупроқда намлик етарли сақланган ҳолда ўртacha суткалик ҳаво ҳарорати  $16-20\text{ C}^0$ , ҳаво намлиги 50% атрофида

Гланда кузатилади. Агар ҳаво ҳарорати, юкорида кўрсатилгандан баланд гланда, бу даврнинг давомийлиги қисқариши, аксинча, паст ҳароратда эса пишиш даврининг узайиши кузатилади. Кўп тадқиқотчиларнинг крича, буғдой ўсимлиги ҳосилдорлиги ва дон сифати бир қанча ташқи хит шароитларида нав ирсий асосларининг ўзаро таъсири натижасида ўсимлик ўсиш даврида моддалар алмашинуви ўзгаришига боғлиқ.

Ўзбекистонда буғдой экиладиган минтақалар иқлимининг асосий хусусиятлардан бири қурғоқчил ва иссиқ шароит ҳисобланади. Ўзбекистонда тез-тез содир бўладиган қурғоқчилик шўрланган тупроқ шароитида буғдойнинг ўсиш даври давомида ўсимликка катта таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик ва дон сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Қурғоқчилик ўсимликларда органик модда тўпланиш миқдорини камайтиради, барглар ўсишини секинлаштириб, асосий фотосинтез ўтадиган ишчи юзасини масқартиради.

Юмшоқ буғдойнинг янги навларини яратиш учун селекция жараёнида нокулай шароитларга чидамли белги хусусиятларга эга бўлган намуна ва линияларни танлаб олиш, улар асосида ўсимликларда чатиштириш ишлари олиб бориши орқали бу хусусиятга эга навларни яратиш селекциянинг шончли усули ҳисобланади (Худжакулов, Уринов, 2008).

Тупроқ шўрланишига, қурғоқчилик ва иссиқликка чидамли навлар яратишида буғдой селекциясининг асосий йўналишлардан бири, бу эртапишар нав яратишига қаратилган, чунки дон қурғоқчилик бошланмасдан пишиши зарур. Бундан ташқари қурғоқчиликка, нокулай шароитларга чидамлилиги ўсимлик генотипи ва маҳаллий шароитнинг сув режимига боғлиқ бўлиб, битта нав турли географик минтақаларда турли хил чидамлиликни кўрсатган, ҳамма минтақалар учун бир хилда қурғоқчиликка чидамли умумий (универсал) нав бўлмайди (Аманов, 1984).

Қурғоқчиликка чидамлиликнинг асосий мезони сифатида, унинг юкори ҳосил бериши (Удачин ва Шоахмедов, 1984) ҳамда бошоқдаги дон сони кўп бўлиши ва дон йирик, тўлишганлиги билан баҳолаш мумкин (Martin Van

(Eikel, 1998). Суғориладиган шароитда 1000 дона дон вазни сезиларли көтүрмелиди (Иванов, 1971). 1000 дона дон вазни йирик донларда муртак көмки катта бўлади. Дон муртагининг катта бўлиши майдон бирлигига тўғри келадиган маҳсулдор поялар сони билан ижобий коррелятив боғланишда яшади.

Тадқиқотлар натижасида йирик донли уруғлар экилганда далада униб келиш бир хил таъминланганлиги, бошоқлаш фазаси 2-3 кун олдин бўлиши кузатилган. 1000 дона дон вазни ошиши туфайли қоракуя касалликларидан кечарланиш камроқ булиши исботланган (Юнусов, 1970). Йирик дондан униб кечкан ўсимликлар ташқи муҳитнинг нокулай шароитларига чидамлилиги кузатилган. Буғдой поясининг ётиб қолиши тўғридан тўғри ҳосилдорликка салбий таъсир этади. Шунинг учун кўпгина олимларнинг (Брежнев, Дорофеев, 1966; Василенко, 1965; Лыфенко, Кириченко ва бошқалар 1980) тъкидлашича, янги калта пояли ва йирик бошоқли маҳсулдор навлар яратиш ётиб қолишга қарши кураш чораларидан биридир. В.Ф.Дорофеев ва бошқалар (1987) фикрича, ўсимликларнинг маҳсулдорлиги селекцион навларни баҳолашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Буғдой дон ҳосили унинг микдор ва сифатига таъсир килувчи бир қанча ташқи муҳит шароитларига боғлик равишда шаклланади (Баранникова, 1965). Маҳсулдорлик бўйича навларнинг бир-биридан фарқи муҳим кўрсаткич бўлиб, уларни тадқиқ килиш ташқи муҳит шароитларига боғлик ҳолда олиб борилиши керак. Навга қўйиладиган асосий талаб - бу ўстириладиган муҳит шароитидаги юқори маҳсулдорликдир (Вавилов, 1966). У битта бошоқдаги дон сонини ҳисобга олган ҳолда танлаш ишлари олиб бориш самарали бўлишини тъкидлаб ўтган. Бу кўрсаткич билан маҳсулдорлик ўртасида ижобий, 1000 дона дон вазни билан салбий коррелятив боғланиш бўлади (Ходжакулов, 1980).

Географик жиҳатдан, бир-биридан узоқ шаклларни чатиштириш натижасида ўсимлик ирсиятига турли жойларда шаклланган маҳсулдор генлар дурагай организмида пайдо бўлишига замин яратади. Маълумки,

лар ўртасида ўзаро боғланиш ўсимлик ўстириладиган шароит таъсирида гариб туради. Юқори ҳосилли навларни яратиш учун чатиштиришда комплекс хусусиятга эга бўлган шаклларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳади. Ҳавонинг нисбий намлиги кам бўлганда ва юқори ҳароратда проқдаги мавжуд намлиқдан самарали фойдаланиб, мўл ва сифатли дон сил берга оладиган экинлар курғоқчиликка чидамли экинлар дейилади.

Курғоқчиликка чидамлилик жуда мураккаб хусусият бўлиб, ўсимликнинг сув буғлатишни камайтирувчи анатомик ва морфологик ҳоссаларига ҳужайра цитоплазмасининг сувсизланишига, иссиқлик ва туз прикамлари концентрациясига физиологик чидамлилигига, ўсиши ва тозовожланишининг биологиясига боғлиқ. Буғдой ҳосилдорлиги қўпчилик ларда экиш меъёри ва ўсимлик тўпланиши билан боғлиқ (Yamazaki, 1993; Massau ва бошқалар, 1995; Pomeroy ва бошқалар, 1996).

Тупланиш ҳосилдорликни белгилашда асосий кўрсаткич бўлиб, маҳсулдор тўпланиш ва ҳосилдорлик орасида ижобий боғланиш борлиги трисида қўпчилик олимлар ўз маълумотларида қайд этганлар (Лукъяненко, 1969; Williams ва, бошқалар, 1965; Dencic, Borojevle, 1991; Sayre ва бошқалар, 1996). Айрим олимларнинг фикрича, маҳсулдор тупланиш кам бўлганда ҳосилдорлик пасайиб кетиши мумкин (Yamazaki, 1994). Атрофияхит, ўстириш шароити, ҳарорат, сув танқислиги, ҳавонинг нисбий намлиги курғоқчилик бошоқ узунлиги ва бошоқдаги бошоқчалар сонига салбий тезисир этади (Reynolds ва бошқалар, 1994; Шукров, 1969; Austenson Walton, 1960). 1000 дона дон вазни ошиши билан бошоқдаги дон сони камаяди ва улар ўртасида салбий корреляция боғлиқлик бор (Anderson ва бошқалар, 1998). Маълум бир маҳсулдорлик унсурлари ва ҳосилдорлик ўртасида корреляцияни ўрганиш ва аниқлаш селекция жараёнида ўта муҳимдир.

RSingh ва бошқалар (1996) нинг маълумотларида бир квадрат метрдаги поялар сони билан бошоқдаги дон вазни ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги келтирилган. Шу билан бирга ўсимлик бўйи билан

хосилдорлик ўртасида сугориладиган майдонда  $r = 0,96$ , лалми майдонда  $r = -0,83$  салбий коррелятив боғлиқлик бор (Bahil, 1966).

Селекционер учун ҳар бир ҳудудга мос навларни яратиш, танлаш ва шаб чиқаришга жорий этиш асосий муаммолардан биридир. Интенсив шабдаги буғдой навларини яратишида асосан юқори маҳсулдорликка эга бўлган генотипларни тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Селекция шларида муваффақиятга эришишида ота-она шаклларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич манбанинг бирикиш имконияти дурагайлаш учун қимматли белги хусусиятларини наслдан-наслга берадиган шаклларга эга бўлган намуналарни танлаш керак.

Ж.Т. Умаров ва Л.В. Семенова (1986) лар маълумотларига кўра, Узбекистоннинг сугориладиган майдонларида ўтказилган тажрибаларида ўсимлик пояси баландлиги ирсиятининг 3 типи бўйича наслдан-наслга ўтган. Купчилик олимлар (Кузмин, 1965; Ephat, 1964; Василенко, 1965) ёзъкидлашларича сугориладиган ерларда калта ва мустаҳкам пояли маҳсулдор йирик бошоқли пакана пояли янги навларни яратиш, буғдой поясининг ётиб қолишига қарши асосий услуб ҳисобланади. Ётиб қолишига юқори даражада чидамли ва шу билан бир қаторда қимматли хўжалик белгилари жиҳатидан фойдали бўлган навларгина ҳозирги замон дехқончилиги талабига жавоб бериши мумкин (Лукьяненко, 1963, Ремеслов, 1965).

Р.А. Удачиннинг (1966) тадқиқот натижаларига кўра, поянинг ётиб қолишига чидамлилик борасида ўсимлик бўйи ҳисобга олинмайди, поянинг бўйи билан ётиб қолиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар доим ҳам пайдо булавермайди. Ётиб қолишининг кўпроқ сабаблари навнинг биологик хусусиятлари ва биринчи навбатда анатоморфологик тузилишдир. Поянинг ётиб қолишига мойил навларнинг пастки бўғин оралиғи узунроқ бўлиб, ўсимлик бўйи баланд, поя ва бўгиннинг йўғонлиги кичик ёки ингичка бўлиб келади, чидамли навлар паст бўйли ва бўғин оралиғи қисқа бўлади. Айрим йилларда ётиб қолиш натижасида дон ҳосилининг 25-40% йўқотилади

## III-БОБ. ТАЖРИБА ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИЁТИ

### 3.1 Хоразм вилоятининг географик жойлашуви, иқлими ва ўсимликлари


**Жойлашиши.** Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг шимолий-гарбий тисмида,  $60^{\circ}$ - $62^{\circ}$  шарқий узунлик,  $40^{\circ}$ - $42^{\circ}$  шимолий кенгликларда жойлашган. Вилоят шимолий-габдан жанубий-шарққа 280 км чўзилган. Вилоятнинг Урганч шахри жойлашган кенгликдаги ғарбдан шарққа узунлиги 80 км зрофифа.

Вилоят шимолдан Туркманистон ва Қорақолпоғистон республикаси билан жанубий ва гарбий чегаралари Қоракум орқали яна Туркманистонга түри келади. Юкоридаги чегараларнинг барчаси текисликлардан ўтади. Шарқий чегара Амударё орқали Қорақолпоғистон республикаси, жанубий шарқий чегара эса, Амударёнинг ўнг қирғофида Бухоро вилоятлари орқали ўтади. Вилоятнинг энг узун чегараси жануб ва гарб томонидан Қоракум түлига тўғри келади. Мезозой эрасида ва Пелеоген даврида Вилоят худуди тукур денгизнинг таги бўлган.

**Иқлими.** Вилоятнинг шимолий ва шарқий томонларида табиий тусикларнинг йўқлиги Арктикандан ва Сибирдан совуқ ҳаво массаларининг бемалол кириб келиши учун кулай имкониятлар яратади. Вилоят иқлими мескин континентал бўлиб йиллик амрлитуда жуда юқори. Максимал ва минимал ҳароратлар орасидаги фарқ  $78^{\circ}$  С га етади. Орол денгизи вилоят иқлими ташкил топишида сезиларли роль ўйнамайди. Аксинча воҳа иқлимининг ташкил торишида Қизилкум ва Қоракум чўллари катта роль ўнайди. Вилоят худудининг қумлар билан ўралганлиги ҳаво ҳароратининг  $43^{\circ}45^{\circ}$  С даражагача кўтарилишига имкон яратади. Воҳада йиллик ўртacha ҳарорат  $+12^{\circ}$  чекка жанубий қисмда  $15^{\circ}$  С га етади. Бу кўрсаткич Урганч шахрида  $14^{\circ}$  ни ташкил қиласди. Вилоятнинг жанубий худудларида ишварнинг ўртacha ҳарорати  $-3^{\circ}$  қолган қисмларида  $-4-5^{\circ}$  га teng. Воҳада энг

жаст ҳарорат  $-32^{\circ}$ - $33^{\circ}$  гача боради. Июльнинг ўртacha ҳарорати  $+28^{\circ}$  (Р. Кубониёзов 1997; 103).

Ҳаво ҳарорати катта миқдорда суткалик ва йиллик тебраниши билан тарабиб туради. Ҳавонинг иссиқ ва илиқ даври 205-240 кунгача чўзилади, соидали ҳарорат йигиндиси  $2000\text{-}2300^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Биринчи совук тушниши 31 октябргача, охиргиси 31 марта тўғри келади.



3.1.1-расм. Кузги буғдой вегетация даврида ҳаво ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$



3.1.2-расм. Кузги буғдой вегетация даврида ёғингарчилик микдори, мм

Урганч, Янгибозор ва Хива метеостанцияларнинг кўрсатишича ўртacha  
йиллик ҳарорат  $12,3-12,5^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлиқ  $55,6-55,9\%$  атрофида тебраниб  
туради. 2000-2010 йй. мобайнида вилоят гидрометерология маркази  
маълумотларига кўра, январда температура ўртacha  $-2,2^{\circ}\text{C}$ , июльда эса  $+28,2^{\circ}\text{C}$   
тeng. Энг паст ҳаво температураси декабрь-январъда кузатилади, энг  
юқори ҳарорат июл ойига тўғри келади. Вилоятда йиллик ёгин миқдори 94-  
100 мм ни ташкил қилиб, унинг асосий қисми қиш ва баҳор ойларига тўғри  
келади (2.1.2-расм). Буғланиш миқдори 1500-1700мм ни ташкил этиб, бу  
йиллик ёғингарчиликка нисбатан 10-14 марта юқоридир (30). Хоразм вилояти  
уртacha шамол фаолияти минтақасида жойлашаган. Йиллик шамолнинг  
йўналиши шимолий-шарқий йўналишдаги шамоллар кўпроқ кузатилади.  
Уртacha бир йилда 6 кечакундуз чангли бўронлар бўлади. Шамолнинг ўртacha  
залиги 3,5 м/сек га тeng (27).

### Гидрогеологик шароити ва гидрографияси.

Гидрогеологик шароити ҳозирги замон тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига  
этивчи омиллардан бири бўлиб, вилоят худудида нокулай шароитни  
худга келтиради. И.Н. Фелицантни (1964) маълумотига кўра, чукур тектоник  
резион чўкмада жойлашган ер ости сувларининг жуда оз чегараланган оқими  
Сариқамиш ва Орол томонга ҳаракатланиши бунга асосий сабабдир. Тектоник  
резион чўкма ёки тўртламчи давр аллювиал ётқизиклари майда донадор  
хусулотлардан (жинслардан) тузилган бўлиб, жуда оз ёки паст сув ўтказиш  
усиятига эгадир. Орол ва Сариқамиш томонга табиий ҳолда жуда миқдорда  
ости суви оқимини юриши, сув ўтказувчи сунъий заҳкашларнинг  
ниқарсизлигидан юқори томонга сув алмашиб жараёнини келтириб  
ниқарганки, бу ер ости сувлари ва тупроқ грунт қатламларини шўрланишига  
бўлиб келади. Шунинг учун ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш доимий  
имиоратив тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, аввало заҳкашлар ва  
тупроқларни ювиш усуулларини қўллашни тақозо этади.

Ҳозирги замон ер ости суви сатҳи вилоятнинг турли қисмларида ҳар  
чукурликда бўлиб, у жойнинг ўзлаштирилганлиги, сув билан

Минланганлиги, сув ўтказувчанлиги ва худуднинг геоморфологик шароити билан боғлиқ. Даудан ва Дарёликнинг ўзан ва ўзанбўйи ётқизикларида ер ости сув сатҳи 1,0 — 2,5 (3) м., ўзанларо (кўл) ётқизикларида 1,0 — 2,0 м, берк чўқмаларда эса 0,5 — 1,0 м. гача кўтарилади. Ҳозирги замон Амударё ядийсида ер ости сув сатҳи ер юзасига нисбатан 0,5—2,0м, чукурлик профида. Унгуз орти Қоракум ва Қизилкум ҳудудларининг паст —баланд қумликларида улар 5,0 м дан чукурроқда ётади. Ўзлаштирилган ёки ташландик сувлар билан бостириладиган Қорақум ва плато текисликларида ер ости суви 1,0 — 2,5 м, айрим алоҳида ботикларда, асосан кўл бўйларида 0,5—1,0 м профилида бўлади.

Суғориладиган ерларда ер ости сувининг минераллашганлик даражаси — 0,9 дан 15,0—17,0 г/л гачадир. Лекин, минераллашганлиги 5,0 г/л даги ер ости гувлари кўпроқ тарқалган. Қўриқ ташландик майдонларда бу сарраткич 20,0 ва ундан юқори г/л га етади (3.1.1-жадвал).

### 3.1.1-жадвал

Сизот сувларининг кимёвий таркиби ва минерализацияси

Кун, ой, йил	Миқдори, г/л			Шўрланиш типи	
	Қуруқ қолдик	Cl <sup>I</sup>	SO <sub>4</sub> <sup>II</sup>	Анион бўйича	Катион бўйича
22.04.12	2,530	0,308	1,200	x-с	к-н
2.05.12	2,680	0,462	1,110	x-с	н-к
12.05.12	2,050	0,560	0,528	с-х	м-н
22.05.12	2,570	0,945	0,336	x	Н
2.06.12	4,010	0,490	1,960	x-с	м-н
12.06.12	5,020	0,710	2,300	x-с	м-н
28.06.12	6,390	1,780	1,965	с-х	м-н

Изоҳ: x-с-хлорид-сульфатли; с-х-сульфат-хлоридли;

х-хлоридли; к-кальцийли; н-натрийли; м-магнийли;

Ер ости сувларининг асосий манбаи ер усти сугориш тармоқлари ва сугориладиган далалардан сингдирилган сувлар ҳисобланади. Уларнинг энг

кори күтарилиш даври тупроқларни ювиш ва суғориш даврларига тұғри  
келади. Бу вактда ер ости сувларининг минераллашуви паст даражада  
бұлади. Ер ости сувлари сатқини тебраниши 0,5-0,7 м га етади. Ер ости  
сувлари меъёрига ёғинлар етарли таъсир күрсатмайды. Амударёнинг  
суви ҳозирги замон бошқарилувида жуда оз таъсир күрсатади, асосан  
жомонавий қайир-аллювиал водийда бу таъсирни күриш мүмкін. Шундай  
көлиб, вилоят ҳудудининг асосий қисміда ер ости суви ва унинг  
минераллашуви суғориш-хұжалик омиллари билан чамбарчас боғлиқдир.

Вилоятда ер ости суви тартиби (режими) аник мавсумий күринишига  
нга. Ер ости сувлари юқорида турғанда, яғни сув буғланиши ҳамда үсимлик  
томонидан буғланиш бирмунча күп бўлганида гидроморф (намчил) тупроқ  
пайдо бўлиш ва шўрхокланиш шароити вужудга келади.

Вилоятнинг фақат суғориш давридаги солиштирма сув сарфи 21000 м<sup>3</sup>  
етади (Мұхаммадиев, 1982). Шундай қилиб, бу даврда Хоразмнинг  
суғориш тизимларига 4 млрд. м<sup>3</sup> дан ортиқ сув берилади. Авваллари,  
Амударёни Тұямұйин сув омбори орқали бошқарилгунга қадар, ҳар бир  
ектар суғориладиган ерларга 63 тонна келтирилмалар ётқизилган, унинг  
таркибидаги тупроқ унумдорлигига таъсир этувчи фойдалы ҳамда зарарли  
моддалар, жинслар бўлган (Шалаев, 1952, 1955; Михайлов, 1971). Шундай  
көлиб гидрографик шароит бевосита ва билвосита тупроқ пайдо бўлиш  
шараёнига ва тупроқнинг иккиламчи шўрланишига таъсир этади.

## Тупроқлари

Тупроқларнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиши ва тупроқ  
копламининг ўзгариши — ўтиши (трансформация). Хоразм вилоятининг  
тупроқларининг шаклланиши асосан, күп асрлар давомида доимий  
гидроморф (намланиш) муҳити шароитида бўлган. Тупроқни пайдо бўлиши  
шараёнига қадимдан дәхқончиликни юритилиши ҳам таъсир этган. Үнгиз  
орти Қорақум ҳудудидаги жойлашган, ҳозирги замон Амударёни қайир  
текислиги ва Тошсақа платоси ерларида (вилоятнинг жанубий ва жануби —

арбий чекка қисмларидан ташқари) маданий дехқончилик кейинги ўн  
миллардан бошланган. Аввалги йилларда олинган тупроқларнинг ҳолати  
кидаги маълумотларни ўрганиб кейингилари билан таққослаш тупроқ  
туманинг эволюциясини ва ўзгариб боришини кузатиш имкониятини  
ратади.

1942 йилда Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг, М.А.Панков ва С.А.Шуваловлар  
номонидан тузилган Ўзбекистоннинг тупроқ харитасида вилоят ҳудудида оч  
тусли ўтлоқи тупроқлар жуда катта майдонни ташкил этган. Шўрхоклар кам  
учраган. Шовот ва Урганч туманларини жанубий қисми, шунингдек,  
Күшкўпир туманини шимолий қисми ва Ҳонқа туманинг марказий  
қисмларини, Даудан ўзанига ёндош кўп ерларни қумлар эгаллаган бўлган.  
Амударё қайирига ёндош бўлган Урганч, Ҳонқа, Боғот, Хазорасп  
туманларининг шимоли — шарқий қисмларида аллювиал ва оч тусли ўтлоқи  
тупроқлар ажратилган. Ўша даврда, кўшни Қорақалпоғистон ва  
Туркманистон ҳудудида, қуруқ иқлим шароитида содда автоморф тупроқ  
пайдо бўлиш шароити устун бўлган. Ҳатто воҳа ичидаги қумлар ҳам  
Ўзининг асосига кўра аллювиал ҳисобланади.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қиласиган асосий  
миллардан бири тупроқ шароити ҳисобланади, Хоразм вилоятининг  
тупроқларини ўрганиш бўйича И.Н.Фелициант (1964), Л.Т.Турсунов  
(1981), С.А.Абдуллаев ва бошқалар (2002) батафсил изланишлар олиб  
борганлар.

Хоразм вилояти ҳудудида гидроморф тупроқнинг пайдо бўлиш  
шароити устун бўлиб, барча тарқалган гуруҳлар орасида кенг тарқалгани  
отлоқи аллювиал тупроқлардир (умумий ер фонди майдони 58,5 фоизни  
ташкил қиласи). Бу ерда ўтлоқи тупроқларнинг аллювиал ётқизиқларда  
ривожланганлари 55,8 фоизни, она жинслар эллювийсида тарқалганлари 2,7  
фоизни ташкил қиласи. Ўтлоқи аллювиал тупроқлар вилоятнинг энг яхши ер  
захираси ҳисобланади. Улар сугоришга бутунлай яроқли бўлиб, унинг  
асосий (97,1 %) қисмидан шу мақсадда фойдаланилади. Она жинслар

берилганда унча зичлашмайди, сув ўтказувчанлиги, нам сақлаши ва структураси яхши. Тажриба майдони тупроғининг морфологик тузилишини далада очилган қуидаги кесма тавсифлайди:

Хоразм вилояти Урганч тумани, Амир Темур номли фермерлар ўюшмаси даласи, Кесма очилган сана: 2011 йил 16 июн.

- |             |  |
|-------------|--|
| Ax 0-31 см  | Кулранг, кам намли, енгил қумоқ, қуруқ дағал кесакли, ўсимликнинг жуда кўп майда илдизчалари учрайди, илдизчалар диаметри $d=1-0,5$ мм, ўртача зичлашган, кейинги қатламга ўтиш ранги, зичлиги ва механик таркибиغا кўра;        |
| B1 31-62 см | Очроқ кулранг қўнғир рангли, ўртача қумоқ, лойқасимон, олдинги қатламга нисбатан кам зичланган, жуда кўп буғдой илдизи, айрим жойларида ғўзапоя колдиқлари учрайди. Фоваксимон, кейинги қатламга ўтиши намлигига кўра астасекин; |
| B2 62-88 см | Кулранг сарик, ўртача қумоқ, лойсимон, майда илдизчалар ва чириган дарахт илдизлари кам, ҳар жойда карбонат азиқлари учрайди, олдинги қатламга қараганда зичроқ, нам, қуига томон намлик кўпаяди;                                |
| C 88-130 см | Кулранг, намлиги юқори, ўртача қумоқ, лойсимон, кам зичлашган, $d=1,0$ мм илдизчалар ва эски чириган дарахт илдизлари учрайди, сизоб сувларининг сатҳи 130 см.   |

Дала тажрибаларини бошлишдан олдин тупроқнинг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламларидан тупроқ намуналари олиниб, дастлабки агрофизикавий ва агрокимёвий хоссалари аниқланди (3.1.2-Жадвал ва 3.1.3-Жадвал).

Тупроқнинг 0-30 см қатламида қум миқдори 52 ва 63 фоиз бўлиб, ҳайдов ости қатламларида у камайиб борган. Шу билан бирга лойқа ва лой миқдори қатламларга нисбатан ортиб борганлиги аниқланди. Икки тажриба майдонлари тупроғининг ҳажми массасига нисбатан юқори ( $1,5-1,6$  г/ $\text{cm}^3$ ). Хоразм вилояти сугориладиган тупроқларининг шароитига боғлиқ холда

нинг хажм массаси 1,3-1,6 г/см<sup>3</sup> оралиғида бўлиши мумкин (Абдуллаев бошқалар, 2003).

Тупроқдаги гумус миқдори қатламлар чуқурлашиши билан ўзгарган ялпи азот, харакатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорлари зари камайиб борган. Тажриба даласининг тупроғи харакатчан фосфор ва зепшинувчи калий билан паст ва ўртача таъминланганлиги кузатилди.

### 3.1.2-жадвал

Тажриба даласининг дастлабки агрокимёвий тавсифи

Китлам, см	Чиринди (гумус)	Ялпи N	Умумий фосфор	N-NO <sub>3</sub>	N-NH <sub>4</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	K <sub>2</sub> O
	%			мг/кг			
<b>Шўрланган дала тупроғи</b>							
1-30	0,6 (0,0 <sup>Ψ</sup> )	0,05 (0,01)	0,1 (0,00)	5,4 (4,0)	3,2 (0,1)	41 (2)	273 (50)
30-50	0,5 (0,0)	0,04 (0,01)	0,09 (0,01)	4,7 (3,0)	3,4 (0,0)	34 (1)	247 (50)
50-70	0,4 (0,0)	0,03 (0,00)	0,09 (0,01)	3,3 (1,5)	3,1 (0,0)	29 (1)	240 (40)
70-100	0,3 (0,0)	0,02 (0,00)	0,08 (0,01)	2,9 (1,3)	3,1 (0,1)	24 (2)	240 (40)
<b>Шўрланмаган дала тупроғи</b>							
1-30	0,6 (0,1)	0,06 (0,01)	0,14 (0,02)	9,4 (1,6)	7,2 (0,5)	37 (3)	347 (31)
30-50	0,5 (0,0)	0,05 (0,01)	0,14 (0,01)	8,0 (1,4)	6,1 (0,7)	37 (1)	347 (12)
50-70	0,6 (0,1)	0,05 (0,01)	0,13 (0,02)	6,6 (1,3)	5,3 (0,8)	29 (3)	387 (42)
70-100	0,6 (0,0)	0,05 (0,00)	0,12 (0,01)	5,2 (1,3)	4,2 (0,7)	24 (3)	420 (20)

стандарт чекланиши

### 3.1.3-жадвал

Тажриба даласи тупроғининг механик таркиби

Китлам, см	Тупроқ фракциялари, мм						
	1 – 0,25	0,25- 0,1	0,1-0,05	0,05-0,01	0,01- 0,005	0,005- 0,001	<0,001
<b>Шўрланган дала тупроғи</b>							
1-30	11 (1 <sup>Ψ</sup> )	5 (2)	31 (1)	25 (3)	6 (1)	13 (2)	8 (1)
30-50	10 (2)	4 (2)	30 (3)	24 (2)	8 (2)	13 (1)	10 (1)
50-70	7 (1)	3 (1)	30 (2)	22 (4)	11 (6)	14 (0)	12 (1)
70-100	7 (1)	3 (2)	25 (7)	29 (6)	9 (1)	15 (2)	12 (2)
<b>Шўрланмаган дала тупроғи</b>							
1-30	23 (5)	5 (2)	28 (9)	20 (1)	7 (1)	9 (2)	8 (1)
30-50	29 (2)	4 (2)	24 (2)	18 (2)	6 (1)	10 (1)	9 (0)
50-70	12 (5)	6 (1)	31 (2)	23 (5)	7 (1)	12 (1)	9 (0)
70-100	5 (1)	2 (1)	28 (3)	28 (2)	10 (1)	15 (0)	12 (0)

стандарт чекланиши

Тажриба даласининг тупроғи енгил ва ўртача кумоқли ва электр тазувчанлиги 2,1 мг/кг аниқланди.

### Ўсимликлар дунёси

Вилоятнинг ўсимлик қоплами хам табиий шароит қонуниятлари остида ўдга келган. Маълумки Турон расттекислигининг жуда катта қисми чўл тақасига киради. Унинг иқлими ўсимликлари тупроғи турли-туман бўлганлиги сабабли растки ва юқори чўл каби қисмларга бўлинади (Курбониёзов 1997;103). Бутун Хоразм вилояти худуди тупроқ-ўсимлик қоплами бўйича чўл худудига кириб, табиий ўсимлик қоплами пайдо бўлганлиги, ёпиқ ўсимликлар пайдо бўлишига йўл очиб берганлиги билан ўфодаланади. Учламчи ва тўртламчи давр платаси қисман эол қумлари ва сурғанир тупроқлари билан қопланган бўлиб, эфемер шувоқли чўлни ўзгуни кенг тарқалган. Шувоқ, семизўт, гипсли юқори қатламларга яқин ҳойлашган ерларда - қорабоялиш, шўрхок тупроқларда - буюргун, кейреук ҳарайди. Кум аралашган сур кўнғир тупроқларда баъзан сумбул (ферула) ҳарайди.

Хоразм худудида кўплаб бундай ўсимликларнинг ўсиши, йирик ҳарорда сувни буғланишига ёрдам бериб, воҳа микроиқлимнинг ўзгаришига олиб келади. Уни янада юмшоқ бўлишига сабаб бўлиб, у ўз забатида тупроқ пайдо бўлишига таъсир этади (27).

### Инсон фаолияти

Амударё куйи оқими шароитида тупроқларнинг шаклланишида, ҳозирги даврда унинг хосса ва хусусиятларини ўрганишда инсон фаолиятининг роли каттадир. Инсон ернинг фойдаланишида бажарадиган шлари таъсирида даставвал тупроқларнинг тузилиши, унинг морфологик белгилари ўзгариши билан биргаликда унинг физикавий, кимёвий ва биокимёвий хоссалари ҳам ўзгаради. Чунки инсон уни текислаш, ҳайдаш,

сугориш ва ўғитлаш билан бир вақтда тупроқнинг структурасини, механикавий таркиби, сув ўтказувчанлигини, ҳаво тартиботини ва хоссаларини ўзгартиради (31,32,34).

Инсонлар ўзининг қишлоқ хўжалигидаги фаолияти билан тупроқ ва тупроқ пайдо қилувчи табиий омилларга катта таъсири этади. Аммо унинг таъсири табиий омиллардан кескин фарқ қиласди.

Илгари айтиб ўтилганидек, тупроқ - табиий шароитларнинг ўзаро биргаликдаги таъсири натижасида шаклланади ва аста секин ўзгаради. Аммо инсоннинг тупроққа йўналтирилган мақсадли усуллар билан таъсири этиши тупроқнинг тез ва қисқа муддатда ўзгаришига олиб келади (34).

Инсонларнинг тупроққа таъсири этиш усуллари хилма – хил бўлиб, улар турли муддатлар ҳамда усулларда олиб борилади. Табиий ўсимликларнига маданий экинларнинг экилиши, дашт ва чўлларда ўрмон ҳимоя зарахтзорларнинг барпо қилиниши, ҳамда ерни ишланиши, ўғитланиши сингари тадбирлар тупроқдаги биологик, кимёвий ва бошқа жараёнларга таъсири қиласди, натижада тупроқларнинг сув, ҳаво, иссиқлик каби хоссалари ўзгаради.

Демак, Хоразм воҳасининг узоқ ўтмиш тарихи ҳам, бу воҳа қадимий маданий деҳқончилик ўчоқларидан бири эканлигидан далолат беради, инсон фаолиятининг тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган барча тадбирлари, янги маданий тупроқ ҳосил бўлишига олиб келади.

### **3.2. Тадқиқот обьекти ва предмети**

Тадқиқот обьекти сифатида юмшоқ кузги буғдойнинг жаҳон коллекциясини шўрланган тупроқ шароитида ўрганиш учун Ўзбекистон фанлар академияси генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтидан 183 та нав намуналари олиниб Қорақалпогистоннинг Нукус гумани “Шуртанбай деҳон фермер хўжалиги” худудига экилди. Нав намуналари қимматли хўжалик белғилари ва шўрланишга чидамлилиги ҳусусияти бўйича комплекс равишда ўрганилди ва баҳоланди. Кузги буғдой

нав намуналарининг келиб чиқиши ва номлари биринчи 3.2.4. жадвалда  
тасвилланган.

### 3.2.4- жадвал

#### Дала тажрибасида ўрганилган кузги буғдой нав намуналари


№	Навлар номи	№	Навлар номи
1	14IWWYTIR-34	61	UZ-11CWA-19
2	KB10-107	62	Kiriya
3	14IWWYTIR-40	63	Nacibey
4	Karahan99	64	Ziroat-70
5	10AYTIR-9034	65	Kutluk94
6	14IWWYTIR-11	66	Elomon
7	Izgi2001	67	11AYTIR-9014
8	10AYTIR-9029	68	KINACI97
9	KR10-009	69	14IWWYTIR-26
10	KR10-028	70	Tosunbey
11	14IWWYTIR-33	71	14IWWYTIR-35
12	11AYTIR-9007	72	Gün91
13	14IWWYTIR-30	73	10AYTIR-9074
14	KR10-038	74	KR10-024
15	Victoria	75	Navruz
16	10AYTIR-9045	76	Bezostaya1
17	11AYTIR-9018	77	Harmankaya99
18	Gerek79	78	Tanya
19	Bitarap	79	UZ-11CWA-11
20	Norman	80	11AYTIR-9047
21	UZ-11CWA-16	81	UZ-11CWA-4
22	UZ-11CWA-3	82	14IWWYTIR-28
23	UZ-11CWA-8	83	Dustlik
24	14IWWYTIR-9	84	UZ-11CWA-17
25	Gerek79	85	KR10-012
26	KB10-102	86	Müfitbey
27	14IWWYTIR-13	87	Katya
28	14IWWYTIR-19	88	Kıraç66
29	UZ-11CWA-12	89	14IWWYTIR-27
30	10AYTIR-9035	90	14IWWYTIR-15
31	Ak702	91	Namangan
32	UZ-11CWA-9	92	14IWWYTIR-10
33	ES00K3	93	UZ-11CWA-28
34	UZ-11CWA-14	94	UZ-11CWA-20

35	14IWWYTIR-12	95	14IWWYTIR-16
36	Atlı2002	96	10AYTIR-9021
37	14IWWYTIR-39	97	10AYTIR-9047
38	UZ-11CWA-5	98	Kitayiski-1
39	Zvezda	99	KR10-015
40	Muskvich	100	Süzen97
41	Sönmez2001	101	UZ-11CWA-1
42	Sahray	102	Seval
43	14IWWYTIR-24	103	UZ-11CWA-7
44	11AYTIR-9017	104	Oktyabrina
45	Soyer02	105	Bağcı2002
46	14IWWYTIR-25	106	Chillaki
47	UZ-11CWA-21	107	11AYTIR-9020
48	Bayraktar2000	108	Vuznaya-12
49	169/2004	109	UZ-11CWA-2
50	11Shahnoza-15	110	14IWWYTIR-29
51	Yakar99	111	UZ-11CWA-10
52	68/2003	112	11AYTIR-9040
53	11AYTIR-9025	113	11Shahnoza-20
54	14IWWYTIR-31	114	14IWWYTIR-32
55	UZ-11CWA-29	115	Demir2000
56	Krasnodar-99	116	Bobur
57	Esaul	117	KB10-105
58	UZ-11CWA-6	118	11AYTIR-9026
59	KB10-101	119	UZ-11CWA-24
60	14IWWYTIR-7	120	UZ-11CWA-18

жонининг ўртача кўрсаткич миқдори 0,063-0,079 % атрофида бўлди. Агротехник тадбирлар иккала далада ҳам ерни экишга тайёрлаш, экиш бир шароитда бир вақтда ўтказилди. Буғдойни экиб ўстириш шу минтақада ўбул қилинган агротехник тадбирларга мувофиқ ўтказилди.

Баҳолаш ва ҳисоблаш ўрганилаётган коллекция нав наъмуналари ўстидан тизимли турда фенологик баҳолаш ўтказилди ва ўсиш фазалари Фикес бўйича баҳоланди (3.3.3-расм). Фенологик кўрсаткичи далада ўсиб кўрган ўсимликда 10% миқдорда бўлганда вегетатив фазанинг бошланиши, шу 75 % ўсимликда пайдо бўлса тўлиқ фазаси деб ҳисобланди. Униб чиқиши фазаси ўсимликларда биринчи ҳақиқий барг пайдо бўлган кундан белгиланди. Туплаш фазасининг бошланиши асосий поянинг барг қинидан ён поянинг биринчи барги пайдо бўлганда белгиланди. Бошоклаш фазасининг бошланиши 10% ўсимликнинг сўнгги барг қинидан бошоғининг ярмидан кўпроғи кўкарганда белгиланди. Гуллаш даври бошланган бошоқларда 2-3 сутка ўтгандан сўнг бошланса 3-5 сутка давом этганликдан бу фазани белгилаб ўтмадик, бироқ матрикаль ҳар хиллик жараёнини кузатдик. Пишиш фазасини 3 даврда аниқладик.

- а) сут пишиши; бунда бошоқчани сиқиб кўрган вақтда оқ сутли суюқ модда бўлиниб чиқсанда белгиланди;
- в) мум пишиш даври; бунда гул қобиги сарғиш рангга кириб донлар тирнок билан кесилган кундан аниқладик;
- г) тўлиқ пишган фазаси донларни энига кессанда шишасимонлиги, тиниклиги ва унсимонлиги бўлимлари яхши ажралганда белгиланади, бошоқдаги бошоқчалар пишиб етилиши гуллагандек кетма-кетликда ўтади.



### 3.3.3-расм. Кузги буғдойни үсиш фазаларини Задокс ва Фикес баҳоланиши

Уруғлар навларининг үсимлиги түлиқ пишгандан сүнг ҳар бир делянкадан 10-үсимликдан модель боғлари олиниб лабораторияда таҳлил килинди. Бунда үсимликнинг бўйи, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони, 1000 дона дон оғирлиги, бир үсимликдаги дон оғирлиги аниқланиб ҳавларнинг унумдорлиги аниқланди. Вегетатив белгилари ҳар бир коллекция замунасининг түлиқ характеристикаси учун үсимликларнинг вегетатив ғазасида барг ранги ва шакли белгиланди. Нав намуналари түлиқ пишган ғазасида үсимликнинг деярли ҳамма белгилари пайдо бўлади ва аниқ уларни турб боҳолаш мумкин. Бунда поянинг тик ҳолида қолиши, йиқилишга тидамлилигига ва деформацияланиши аниқланди. Туп шакли ён поялардан ғоссий поядан узоқлашган бурчаги, улардан баргларининг жойлашиши, үсимликнинг баландлиги тупроқ бетидан бошлаб бошогининг энг учидаги бошоқчасигача ўлчаниб аниқланди.

Буғдой нав намуналарининг фойдали ҳўжалик белгилари бўйича баҳоланиб, үсимликларнинг делянкаларда жойлашиши зичлиги аниқланди. Бунда үсимликлар түлиқ униб чиқиб қишлишга кетиш олдидан, қишлиб

чиққандан сўнг ўриб олишдан олдин 1 м<sup>2</sup> ўсимликлар сонини ҳисоблаб никладик.

Дала тажрибаларини ўтказиш, биометрик ўлчовлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985) ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПТИ, 2007) қўлланмаларига асосан ўтказилди. Тупроқ ва ўсимлик намуналарининг агрокимёвий таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии» (1977) усулномасига биноан, дон ҳосилининг сифат кўрсаткичлари ТУ Уз 8-115-97 бўйича амалга оширилди. Тажриба маълумотлари SAS 9.1 муҳитида вариацион-статистик таҳлил қилинди.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

### Кузги буғдой нав намуналарини танлаш ва ўсиш даври бўйича

Хозирги вақтда юмшоқ кузги буғдойнинг республикамиз ҳудудининг нокулай тупроқ-иклим шароитларига, айниқса тупроқнинг нишига чидамли эртапишар навларини яратиш селекциянинг асосий шаридан ҳисобланади. Кузги буғдой ўсимлиги бизнинг ҳудудимизда ҳамик вақтлари ҳавонинг қуруқлиги ва шўрланган тупроқлар таъсири содир бўладиган қийин шароитда униб чиқади ва ривожланади. Даврда ҳаво ҳароратининг пасайиб кетишидан ўсимликнинг ўсиши табдил қишлишга тўлиқ туплаб улгурмасидан кетади. Айрим ҳолатларда ҳароратнинг ҳаддан ташкари ортиб кетишидан тупроқда намлик камайиб ҳозир буғланиб унинг устки юзасига тупланиб оппок қор каби тусга мурради. Натижада униб чиқсан буғдой кучатлари катта қийинчиликларга мурчор бўлади, айниқса даланинг шўрланган жойларида умуман нобут бўлади мурчор кучат бўлмаган майдонлар пайдо бўлади. Бу муаммоларни бартараф мурчилиш учун тупроқнинг шўрланишига чидамли эртапишар янги юмшоқ кузги буғдой навларини яратиш хозирги куннинг долзарб селекцияси иши ҳисобланади.

Дорофеев В. Ф ва Удачин Р. А (1983) ларнинг фикрича, қисқа ўсиш муррига эга бўлган янги навларни яратиш натижасида бирданига қишлоқ муржалигидаги кўргина муоммоларни ҳал этиш имконини яратиш мумкин муреб ҳисоблайдилар.

Махсулдорлик кўрсаткичлари юқори даражада ўзгарувчанликка эга бўлиши билан бирга улар ўртасида сезиларли даражада ўз-аро узвий боғлик бор эканлигини Blum A. et. el (1996) кўрсатиб берган.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг (Удачин. Р. А; Шоахмедов И. Ш. (1984) Gill H. S (1986) маълумотича юмшоқ кузги буғдой нав намуналарини боҳолашда ҳосилдорликни белгилашда “унуб чиқиши-бошоқлаш” давлари давомийлиги асосан, ҳаво, тупроқ ва намгарчилик шароитига боғлиқдир.

Удовенко Г. В; (1986); Мусиенко Н.Н, ва бошқалар (1986); Петров Л. Н, ва Попов. В. П (1986) ва бошқа бир қатор тадқиқатчилар ишларида тупроқнинг ҳар қил даражада шурланиши буғдой нав намуналарининг зегетацияси даври давомийлигига ўз тасирини кўрсатганлигини таъкидлашган. Юмшоқ кузги буғдойнинг нав намуналарини ўрганиш даврида илмий–изланишимизнинг асосий йўналишини унинг эртапишар нав намуналарини ажратиб олишга йўналтирилди. Бизлар нав намуналарининг баҳолилигини бир неча морфобиологик белгиларга тавсиф бериш натижасида аниқладик. Биринчи баҳолаш ва танлаш ишлари дала шароитида ўсимликлар униб чиқиш, бошоқлаш ва тўлиқ пишиб етишгандан сўнг морфовизуал таҳлил этиш орқали олиб борилди. Асосан нав намуналари ўсимлигининг габитуси шакли, ётиб қолишга, бошоқдаги донларнинг тўкилувчанлиги бўйича баҳоланди.

Бизнинг Хоразм вилоятининг шўрланган тупроқ шароитида 120 та ўрганилган буғдой нав намуналарининг ичида 24 та нав шўрланишга бирмунча чидамлилиги ва бошқа кўрсаткичлари бўйича устунлиги аниқланди, қолган бошқа 96 таси жуда ёмон кўрсаткичларга эга бўлганлиги сабабли даланинг ўзида брак қилинди (4.1.5-жадвал). Бу нав намуналари сийрак кўкарганлиги, униб чиқиш ёппасига нобуд бўлганлиги, жуда кеч пишганлиги, ўсимликни тузилиши экстенсив шаклга эга бўлиб, йиқилиб қолишга мойил бўлганлиги сабабли брак қилинди. Мавжуд экилган ва униб чиқиб кўчат олинган буғдой нав намуналари устида олиб борилган фенологик кузатишлар натижасида, уларнинг ўсиш даври аниқланди. Унга кўра эртапишар, ўртапишар ва кечпишар хусусиятларига эга нав намуналарига ажратилди.

4.1.5-жадвал

Кузги буғдой нав намуналарининг дала шароитида униб чиқиши

№	Навлар номи	Униб чиққан уруғлар сони, дона		Изоҳ
		1	2	
1	14IWWYTIR-34	20	34	
2	KB10-107	66	56	
3	14IWWYTIR-40	68	80	
4	Karahan99	92	55	
5	10AYTIR-9034	10	58	
6	14IWWYTIR-11	26	6	
7	İzgi2001	3	7	
8	10AYTIR-9029	32	50	
9	KR10-009	34	8	
10	KR10-028	15	24	
11	14IWWYTIR-33	16	9	
12	11AYTIR-9007	3	0	
13	14IWWYTIR-30	11	4	
14	KR10-038	14	20	
15	Victoria	16	60	
16	10AYTIR-9045	14	10	
17	11AYTIR-9018	34	46	
18	Gerek79	83	82	
19	Bitarap	82	80	
20	Norman	62	73	
21	UZ-11CWA-16	83	85	
22	UZ-11CWA-3	107	100	
23	UZ-11CWA-8	108	98	
24	14IWWYTIR-9	85	79	
25	Gerek79	59	78	
26	KB10-102	138	142	
27	14IWWYTIR-13	95	139	
28	14IWWYTIR-19	109	105	
29	UZ-11CWA-12	95	108	
30	10AYTIR-9035	108	89	
31	Ak702	55	43	
32	UZ-11CWA-9	30	58	
33	ES00K3	49	75	
34	UZ-11CWA-14	43	8	
35	14IWWYTIR-12	15	32	

76	Bezostaya1	52	48
77	Harmankaya99	104	52
78	Tanya	104	94
79	UZ-11CWA-11	85	66
80	11AYTIR-9047	53	107
81	UZ-11CWA-4	63	117
82	14IWWYTIR-28	50	52
83	Dustlik	118	57
84	UZ-11CWA-17	83	102
85	KR10-012	66	50
86	Müfitbey	58	63
87	Katya	66	40
88	Kıraç66	12	69
89	14IWWYTIR-27	24	28
90	14IWWYTIR-15	8	2
91	Namangan	52	19
92	14IWWYTIR-10	28	25
93	UZ-11CWA-28	53	63
94	UZ-11CWA-20	36	16
95	14IWWYTIR-16	58	62
96	10AYTIR-9021	45	83
97	10AYTIR-9047	55	82
98	Kitayiski-1	0	0
99	KR10-015	48	52
100	Süzen97	26	42
101	UZ-11CWA-1	50	43
102	Seval	88	66
103	UZ-11CWA-7	62	60
104	Oktyabrina	47	49
105	Bağcı2002	78	77
106	Chillaki	54	56
107	11AYTIR-9020	67	60
108	Vuznaya-12	70	88
109	UZ-11CWA-2	60	103
110	14IWWYTIR-29	64	72
111	UZ-11CWA-10	12	2
112	11AYTIR-9040	57	32
113	11Shahnoza-20	58	46
114	14IWWYTIR-32	55	82
115	Demir2000	36	24

116	Bobur	55	50	
117	KB10-105	73	62	
118	11AYTIR-9026	82	70	
119	UZ-11CWA-24	95	118	
120	UZ-11CWA-18	62	58	

Униб чиқиши фазаси ўсимликларда биринчи ҳақиқий барг шаклланиб бўлган кундан бошлаб белгиланди. Бу даврда буғдой нав намуналарининг ўтиш ўзгачаликларини аниқлаганимизда, нав намуналари ўзларининг биологик ўзгачаликлиридан фазалар оралиқ ўзгачаликка эга эканлиги никланди.

Кузатишлар натижаси бўйича андоза нав “Краснодар-99” экилган кундан сўнг ўртacha 16 кунда униб чиқиб бошлаб, 18 кун ичida тўлиқ униб тиқсан бўлса, ўрганилган нав намуналарида бу кўрсаткич 18-25 кунни ташкил қилиб, уларнинг генотипига боғлиқ эканлиги аниқланди.

Олинган маълумотларга асосланиб шуни айтиш мумкин, бугдой нав намуналарининг униб чиқиши ҳолатига тупроқнинг шўрланиш даражаси ўз таъсирини кўрсатиши маълум бўлди. Нав намуналарининг униб чиқиши бўйича кўрсатгичлари тупроқнинг шўрланиш даражасига ва нав ўзгачалигига боғлиқ бўлар экан. Бизнинг тажрибамиизда шўрланган агрофон шароитида нав намуналарининг уруғларининг униб чиқиши вақти кечикиб нав намуналари бўйича фарқи 2-6 кунга teng бўлди. Бунинг асосий сабаби шўрланган муҳитда тузлар эритмасининг миқдори ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлишидир.

Кузги буғдой нав намуналари фенологик фазаларни босиб ўтиши ҳар бир навга хос янги органларнинг пайдо бўлиб, морфологик ўзгачалик кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Ўрганилган нав намуналарининг ўсиб ривожланиб туплаш фазаси бошланиш даври хам шўрланган аграфон шароитида 3-5 кунга кечикиб бошланди. Шуни айтиб ўтиш лозимки сабаби нав намуналари бўйича туплаш фазасидаги ўзгарувчанлик туплаш бошланиши вақтидан бошлаб

күзга ташлана бошлади. Айрим нав намуналари жадал ўсиши натижасида ўсимликларнинг тупланиши яхши бўлади. Бу кўрсатгич шўрланган агрофон шароитида ҳам уларда кўп бўлади.

Тажриба маълумотларига асосланиб шуни айтиш мумкин, нав намуналарининг униб чиққандан сўнг қисқа вақт ичидан туплашга киришиши бўйича кўрсатгичи уларнинг тезпишарлигидан дарак беради. Алоҳида шуни таъкидлаб ўтиш лозим, чунки тупроқнинг шўрланиш шароитида буғдой нав намуналарининг ўсимликларнинг туплаш вақти бўйича ўзгарувчанлик анча шатта бўлмаса ҳам, тупланишлар сони бўйича кескин фарқ бор эканлиги маълум бўлди. Демак буғдой нав намуналарининг шўрланишига таъсирчанлик реакциясини ўсимликларнинг униб чиқиш ва тупланишининг бошланиши даврида аниқласа бўлар экан. Шуни таъкидлаб ўтиш керак, бизлар ўрганган 120 та бугдой нав намуналарининг 96 таси шўрланган агрофон шароитида униб чиқиб туплаш фазаси бошланган даврда зелянкалардаги ҳамма ўсимликларнинг нобуд бўлганлигини аниқланди.

Биз кўчат олиш жараёнида ҳар хил кузги буғдой нав намуналарининг чидамлиликлари қайси белги ва хусусиятларига қўра ажralиб туришини аниқлаш мақсадида, уларни лаборатория шароитида унувчанлигини аниқладик. Намуналар донининг йириклигига қарамасдан уларнинг бўйи, илдизининг узунлиги ва илдизлар сони навлик белги бўлиб, бир–биридан фарқланиши аниқланди (4.1.6 - жадвал).

Тажрибада кузги буғдойнинг шўрланиш туфайли нобуд бўлган ўсимликларнинг аксарият қисми туплаш фазаси бошланган даврда кузатилганлигини инобатга олиб, лаборатория шароитида  $\text{NaCl}$  тузининг ҳар хил концентрацияларида уругнинг униб чиқиши ва дастлабки ўсиб, ривожланишини ўргандик. Бунда шўрланган дала шароитида шўрланишга чидамли деб топилган 24 та кузги буғдой навларидан 25 дона уруғ олиб, дастлаб уруғларни дистилланган сувда ва шўр сувда ивитиб Петри идишида экиб, термостатда  $22^{\circ}\text{C}$  да уруғларни униши ва риволанишига  $\text{NaCl}$  тузининг ҳар хил концентрацияларининг таъсирини ўргандик (4.1.2-жадвал).









Кузги буғдой навларининг 5 кундаги унувчанлиги ўрганилганда, интилланган сувда 10AYTIR-50, 10UZMLY24, 10AYTIR-29, 10UZMLY8, 10CWA-23, Vostorg, 10AYTIR-56, Vuznaya-12, 10AYTIR-2, Turkistan, 10CWA-25, 10UZMLY9, 68/2003, 10AYTIR-55, Muskvich, Kuma, Tanya навлари уруғининг унувчанлиги 100 фоиз бўлган бўлса, Krasnodar-99, 10UZMLY7, 10AYTIR-16, 10UZMLY2, Dustlik, 10CWA-14 навлари унувчанлиги 99 фоизни, 10CWA-2 эса 97 фоизни ташкил этди. Ушбу уруғларнинг унувчанлиги NaCl тузининг концентрацияси ошиши билан ўзгариши, яъни камайиб бориши ҳамда уларнинг NaCl тузининг концентрациясига таъсирчанлиги бир хил эмаслиги кузатилди.

#### 4.1.6-жадвал

Дистилланган сувда ивитиб NaCl (g/l) ҳар хил концентрациясида экилган уруғларнинг 5 кунда унувчанлиги

№	Буғдой номи	Дистилланган сув	Дистилланган сувда ивитиб NaCl (g/l)														
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	12	14	16	18	20
1	10AYTIR-50	100	100	97	100	99	99	100	99	99	100	100	99	97	100	97	97
2	10UZMLY24	100	100	100	100	100	100	100	97	97	100	100	95	100	93	95	87
3	10AYTIR-29	100	100	99	100	99	99	100	100	99	100	100	100	100	100	99	95
4	10UZMLY8	100	100	100	100	100	99	100	100	97	99	99	100	99	100	97	100
5	10CWA-23	100	99	100	100	100	100	100	100	100	99	99	97	95	99	96	96
6	Vostorg	100	100	100	100	100	99	100	100	100	100	100	100	97	97	96	99
7	10AYTIR-56	100	100	100	100	100	100	99	99	100	100	99	100	99	99	100	97
8	Vuznaya-12	100	100	100	97	100	100	100	100	100	99	95	100	100	99	96	85
9	10AYTIR-2	100	99	100	99	100	99	100	100	97	100	100	100	99	93	100	100
10	Turkistan	100	99	99	100	100	100	100	100	96	100	99	99	95	92	97	93
11	Krasnodar-99	99	100	100	100	100	99	100	100	99	99	93	100	97	100	99	96
12	10CWA-25	100	99	96	95	100	100	100	100	100	99	100	100	99	99	97	89
13	10UZMLY7	99	99	99	96	99	99	100	97	100	100	100	100	100	99	100	91
14	10UZMLY9	100	100	100	99	99	99	100	100	100	100	100	100	99	100	99	92
15	10CWA-2	97	100	99	99	99	99	99	99	100	99	99	97	93	93	92	89
16	68/2003	100	100	100	99	100	99	100	100	100	100	100	100	100	93	96	97
17	10AYTIR-16	99	99	97	97	99	97	100	99	96	95	95	96	97	91	93	93
18	10AYTIR-55	100	99	100	96	96	100	99	100	100	100	99	93	96	96	96	93
19	Muskvich	100	100	100	100	100	99	99	100	99	96	91	97	97	97	89	87
20	10UZMLY2	99	99	99	97	100	99	100	100	99	100	100	100	97	100	96	96
21	Dustlik	99	100	100	100	100	100	100	99	100	100	100	100	100	100	97	96
22	Kuma	100	96	100	100	100	100	97	100	97	97	99	93	100	97	95	87
23	Tanya	100	100	100	100	100	100	100	99	100	100	100	97	96	100	97	93
24	10CWA-14	99	100	100	100	100	100	99	100	100	100	100	96	96	97	96	89

Илмий адабиётлардан маълумки, ўсимлик уруғининг унувчанлигини 95 дан юқори бўлса яхши, агарда ундан паст бўлса унувчанлиги паст деб баҳоланади (Строгонов, 1962, 1966; Шевякова бошқалар, 1981, 1989; Азимов, 1989; ва бошқалар). Биз ўрганган кузги буғдой навлари уруғининг



4.1.4-расм.Дистилланган сувда ивитилган уруғларнинг униб чиқиши, %

## **4.2. Шўр сувда ивитилган кузги буғдой уруғларининг унувчанилигига**

### **NaCl тузининг ҳар хил концентрациясини таъсири**

Организмнинг нокулай омилларга - қурғоқчиликка, совуққа ва шўрга чидамлилиги ва уларнинг шу нокулай шароитга мослашуви онтагенезда намоён бўлади. Б.А.Келлер (1940), Гушин (1938), П.А. Генкель (1950), Б.П.Строгонов (1967) ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларига мувофиқ, тузга чидамлилик – бу хосса ва жараёндир. Гликофитлар билан галофитлар орасидаги фарқ сифат ва микдорий томондан характерланади.

Галофитлар юқори тузли шароитда ўсишга мослашган ҳамда бу жараён гликофитлардагига қараганда анча чукур ва тез ўтади. Ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ўрганиш тўғрисидаги таълимот катта роль ўйнади (Рихтер, 1927). Концентрацияси 0,5 н эритмада буғдой ривожланиб, ҳосил берган. Туз концентрацияси 0,3 н дан юқори бўлганда кунгабоқар ва гултожихўрознинг ривожланиши тўхтаган. Маданий ўсимликларнинг ҳар хил тузлар билан шўрланган шароитга чидамлилигини ўрганиш бўйича ҳам кўп илмий изланишлар олиб борилди (Пиунновский, 1952; Сайдов ва бошқалар, 1958; Сайдов, 1966; Азимов, 1989; Адилов, 2008).

Аммо бу борада П.А. Генкел (1954) ишлари алоҳида аҳамиятга эга. Муаллифнинг кўрсатишича, шўрда ўсан ўсимликда протоплазма коллоидларининг гидрофиллиги ва ёпишқоқлиги ҳамда ҳужайра ширасининг осмотик босими ортади, протоплазма эластиклиги эса камаяди.

А.А. Рихтер ион заҳарлилиги бўйича мутаносиб эритмани қўлланиб, тузларнинг ўсимлик учун токсик таъсири, ўсимликда эса шўрга нисбатан маҳсус физиологик жавоб реакцияси ҳамда ўсимликларнинг шўрга чидамлилигини ортириш имкони борлигини аниқлади. Бир жинсли туз эритмасига қараганда, бир неча тузларнинг аралашмаси ўсимликлар учун кам зарарли бўлиши мумкин. Иккита заҳарли туз бир хил концентрацияда бўлганда, уларнинг зарарли таъсири анча камаяди. Бундай эритма мутаносиб эритма деб аталади, шу сабабли, тупроқ бир томонлама кучли даражада шўрланса, ўсимликлар учун нокулай бўлади. Шўр тупроқда ўсан маданий

—никнинг тупроқдаги озиқлик аҳамияти бўлмаган тузлари кўп бўлган тупроқка реакцияси кўп ҳолларда шу тузларнинг ўсимликка киришини ўрганилади.

Ўсимликларнинг тузга чидамлилик даражаси генотип билан саланди. Маданий ўсимликлар орасида ҳақиқий тузга чидамли галофит —иклар деярли йўқ, лекин, тур ва нав ўзгачалиги бўйича шўрга чидамли ўрганилади. Шўрга чидамли экотиплар орасида генетик томондан сорат қилиб борилади. Шу сабабли селекция йўли билан шўрга чидамли юмори ҳосилдорли навларни яратиш имконияти бор. Бир хил даражадаги тупроқнинг шўрланиш даражаси ҳар хил навларнинг ўсиб ривожланишга ва юмори ҳосил тўплашга катта таъсир қилиши кўпчилик олимлар томонидан докторланган (Петров, Попов, 1986; Асалиев, 1986; Полонски, 2002; Кушиев, 2009).

Ўсимликларнинг тузга чидамлилиги уларда кечадиган кўп омилларга (жараёнларга) боғлиқдир: Ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ўрганишнинг мураккаб томони шундаки, ўсимликдаги умуний жараёнларни хужайрада ўтадиган айрим жараёнларидан ажратиш қийиндир. Ана шунинг тузун ҳам ўсимликларнинг тузга чидамлилиги ўсимлик шаклланишининг берча босқичларида, шу жумладан, хужайравий ва молекуляр даражада ҳам ўрганишни талаб қиласди.

Кейинги тажрибада ўрганилаётган кузги буғдойнинг 24 та навини тупроқларининг унувчанлигини аниқлашда, дастлаб шўр сувда яъни  $\text{NaCl}$  тузининг 1 г/л концентрациясида ивитиб унидиришга кўйилди. Бу тажрибада ҳам худди олдинги тажрибадаги каби, ҳар бир Петри идишиги 25 донадан уруғни экиб,  $22^{\circ}\text{C}$  хароратда термостатда кўйилди ва беш кундан кейин уруғларнинг унувчанлиги ўрганилди (4.2.7-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, шўр сувда ивитилган уруғларнинг унувчанлиги дистилланган сувда ивитилганга нисбатан сезиларли фарқ қиласди. 10UZMLY2 навининг унувчанлиги  $\text{NaCl}$  тузининг 1 г/л концентрациясида 93% ни ташкил қилиб, шўрланиш даражасининг 2 г/л






#### 4.2.7-жадвал

**Шўр сувда ивитиб NaCl (g/l) ҳар хил концентрациясида  
экилган уруғларнинг 5 кунда унувчанлиги**

Годой номи	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	12	14	16	18	20
1 AYTIR-50	100	97	100	99	99	100	99	99	95	97	99	91	89	79	85
2 UZMLY24	99	99	100	100	99	100	100	97	100	99	95	91	88	92	73
3 AYTIR-29	96	100	99	99	97	99	100	100	99	99	95	96	91	83	89
4 10UZMLY8	99	100	100	100	97	99	100	99	99	99	96	96	88	83	84
5 10CWA-23	99	100	99	100	100	100	100	100	100	99	96	93	95	96	95
6 Vostorg	97	100	97	100	100	100	100	100	99	100	100	97	92	89	89
7 10AYTIR-56	100	100	100	99	100	100	100	99	100	100	85	95	96	79	87
8 Vuznaya-12	100	100	99	99	99	100	97	99	100	97	100	97	97	93	95
9 10AYTIR-2	100	100	100	100	100	100	100	100	97	96	100	96	97	92	89
10 Turkistan	100	97	100	99	99	97	100	92	100	100	92	95	96	91	68
11 Krasnodar-99	99	99	99	100	99	100	100	97	100	99	100	100	100	96	68
12 10CWA-25	99	100	100	100	100	100	99	99	100	100	99	95	97	85	95
13 10UZMLY7	100	100	96	91	92	99	100	100	99	100	95	99	100	99	47
14 10UZMLY9	99	99	99	100	100	100	100	100	100	99	100	100	100	100	97
15 10CWA-2	100	100	99	99	100	99	100	100	100	99	93	93	91	61	48
16 68/2003	97	100	100	100	99	97	95	96	99	97	97	99	96	88	81
17 10AYTIR-16	99	97	100	97	96	100	96	100	97	99	91	91	88	81	73
18 10AYTIR-55	97	100	100	99	97	97	97	97	100	96	95	96	89	81	73
19 Muskvich	99	97	97	99	99	100	97	100	99	95	100	97	96	89	76
20 10UZMLY2	93	97	96	96	95	93	91	99	99	91	96	92	89	85	77
21 Dustlik	100	100	99	99	99	99	100	100	100	99	100	100	100	99	96
22 Kuma	100	100	100	100	100	99	100	95	100	99	92	96	87	85	84
23 Tanya	99	100	100	100	100	100	99	100	100	99	100	99	100	91	88
24 10CWA-14	100	99	100	100	100	100	97	100	100	100	96	95	89	88	84

дан 5 г/л гача концентрациясида 95% дан 97% гача унувчанлик даражасини кўрсатган, 6 ва 7 г/л бўлганда концентрация унувчанлик яна пасайган ва бу 91 ва 93 %, 8 ва 9 г/л да 99% бўлиб, концентрация 10 г/л дан ошган сари унувчанлик даражаси ҳам пасайиб борди (4.2.7-жадвал ва 4.2.5-расм). Худди шундай қонуният 10UZMLY7 ва Turkistan навларида қайд этилди.

Эритмадаги NaCl тузининг концентрацияси 12 г/л га етганда ўрганилаётган бешта 10AYTIR-56, 10AYTIR-16, Kuma, Turkistan, 10CWA-2 навлари уругининг унувчанлиги 85-93% гача пасайиши кузатилди.



Бундан ташқари, хужайрада осмотик потенциалнинг ошиши ўсимликларнинг қисқаришига имконият яратиб, уларнинг нозик структураси ҳамда модда алмашунувининг ўзгаришига олиб келади. Бунда хужайраларга намлик ўтишининг кескин ўзгариши ҳам тупроқ шўрининг осмотик босими таъсирига боғлиқдир.

Шундай қилиб, тузларнинг ўсимликка кўрсатадиган таъсири икки хил хусусиятга эга. Бунда, бир томондан, тузларнинг тупроқда тўпланиши тупроқ эритмасининг осмотик босимини оширгани холда, ўсимлик сўрадиган намликни кескин пасайтириб юборади, иккинчи томондан, тупроқ эритмаси таркибида мавжуд бўлган тузларнинг катион ва анионларнинг ортиқча тўпланиши оқибатида хужайрага заҳар сифатида таъсир кўрсатади. Табиий шароитда бу хилдаги тузларнинг осмотик босим ва заҳарловчи модда сифатида ўсимликка қанчалик таъсир кўрсатишни белгилаш жуда қийин бўлиб, осмотик жиҳатдан актив бўлган инерт органик бирикмалар (сахароза, декстрин ва бошқалар) ни қўлланиш, шунингдек, адсорбцион ионлардан фойдаланиш (ион алмашинув полимерларидан фойдаланиш) методини ишлатиш бўйича олиб борилган маҳсус тажрибаларда уларнинг қанчалик зарар келтириши ва таъсир кўрсатиш механизми хақида солиширма маълумот олиш имконини беради. Кейинги 15 йил мобайнида олиб борилган кузатиш ишлари натижаларига қараганда, кўпчилик ўсимлик турлари учун туз эритмаларининг осмотик босимга қараганда заҳарловчи таъсири кўпроқ бўлади. Бироқ ўсимликларнинг айрим турлари борки, улар тузларнинг осмотик босимига бирмунча таъсирчан бўладилар.

Демак, ўсимликларнинг тузга чидамлилигини ўрганиш ва тузларнинг ўсимликларда моддалар алмашинуви кўрсатадиган салбий таъсирини аниқлаш, бу масаланинг назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим ахамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Тупроқнинг шўрланиши даражасининг буғдой навлари кўчатларининг биомасса тўплаш хусусиятини ўрганиб, нам оғирлиги қуруқ оғирлиги билан қалин боғланишда бўлганлигини кўрсатади (Сорин, Моньев, 1986). Олинган


маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроқнинг шўрланиш шароитида буғдой навларининг ўсиб ривожланиши тезлиги баргнинг ассимляцияси ҳараёнининг пасайишига боғлиқ бўлар экан. Шўрланган ерларда тузнинг таъсири ёш кўчатларнинг ўсиб ривожланишига биринчи фазаларидан кейинги фазаларга солиштиргандага кучлироқ таъсир этади.

Кургоқчиликка чидамлилик жуда мураккаб хусусият бўлиб, у ўсимликнинг сув буглатишни камайтирувчи анатомик ва морфологик ҳоссаларига хужайра цитоплазмасининг сувсизланишига, иссиқлик ва туз бирикмалари концентрациясига физиологик чидамлилигига, ўсиши ва ривожланишининг биологиясига боғлиқ. Буғдой ҳосилдорлиги кўпчилик ҳолларда экиш меъёри ва ўсимлик тупланиши билан боғлиқ (Yamazaki, 1993; Mussau ва бошқалар, 1995; Pomeroy ва бошқалар, 1996).

Тупланиш ҳосилдорликни белгилашда асосий кўрсаткич бўлиб, маҳсулдор тўпланиш ва ҳосилдорлик орасида ижобий бодланиш борлиги тўғрисида кўпчилик олимлар ўз маълумотларида қайд этганлар (Лукъяненко, 1969; Williams ва, бошқалар, 1965; Dencic, Borojevle, 1991; Sayre ва бошқалар, 1996). Айрим олимларнинг фикрича, маҳсулдор тупланиш кам бўлганда ҳосилдорлик пасайиб кетиши мумкин (Yamazaki, 1994).


Бизнинг лаборатория шароитида ўтказган тажрибаларимизда, кузги буғдой майсаларининг ўсишига NaCl тузининг ҳар хил концентрациясини таъсирини ўргандик (4.3.6-расм). Олинган маълумотларга кўра, NaCl тузининг ҳар хил концентрациясига экишдан олдин уруглар дистилланган сувда ивитилганда ҳам кузги буғдой майсаларининг ўсишига бир хил таъсир килмасдан, балки айрим навларнинг майсалари концентрация ошиб бориши билан камайиб бориши кузатилди. NaCl тузининг ҳар хил концентрацияси 9 г/л га етганда 10AYTIR-2 навининг майсасининг биомассаси бошқа навларга нисбатан камайиши аниқланди. Концентрация 10 г/л бўлганда биомассанинг камайиши 10AYTIR-16 навидан ташқари 10AYTIR-56, 10UZMLY8, 10UZMLY24 навларида, концентрация 12 г/л да ўрганилган 24 та навларнинг айримлари 20 % биомассани, концентрация 14 г/л 50 % биомасса,

концентрация 16 г/л га етганда 70 % биомассани, концентрация 18 г/л бўлганда 90 % биомассани йўқотди. NaCl тузининг 20 г/л ли эритмасида умуман биомасса ҳосил бўлмади (4.3.6-расм).



4.3.6-расм. Униб чиққандан кейин 7 кун давомида майсанинг ўсиши

(1-5 см узунликда, дистилланган сувда ивитилган)  
 Шунингдек, тажриба давомида кузги буғдой уруғларини шур сувда ивитиб  
 жилганда, уларнинг дастлабки ўсиш даврида биомасса тўплашини ҳам  
 трандик (4.3.7-расм).



4.3.7-расм. Майса униб чиқкандан кейин 7 кун давомида ўсиши

(1-5 см узунлиқда, шұр сувда ивитилған)

Бунда ҳам кузги буғдойнинг биомасса тұплаши дистилланган сувда ғанағатынан шығарылған каби бўлиб, айрим 10CWA-25, Vostorg ва 10AYTIR-29 ғавлари бошқа навларга нисбатан тузга чидамли бўлиб, 14 г/л ли эритмада ҳам биомасса тұплаган (4.3.7-расм). Бошқа қолган навлар концентрация 14 г/л дан ошгандан кейин ўсишдан тұхтаган, бундан күриниб турибдики, кузги буғдойнинг шүрланган тупроққа экканда сувда эрийдиган тузлар концентрацияси 8 г/л дан ошгандан кейин айрим навларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун, тупроқ эритмасида сувда эрийдиган тузларнинг концентрация 7-8 г/л ошганда кузги буғдойнинг шүрланишга чидамли навларни экиш тавсия қилинади. Акс холда, тупроқ таркибида сувда эрийдиган тузлар концентрацияси юқори бўлса, тупроқда осмотик босим ошиши туфайли ўсимликка намлик етишмаслиги кузатилади ва оқибатда ўсимлик нобуд бўлади.

#### **4.4. Ҳар хил кузги буғдой навларининг шүрланишга чидамлилиги бўйича кластерлаш**

Кузги бугдой нав намуналарининг дала унувчанлиги ирсий омил бўлиб, ташқи мухитнинг ноқулай омиллари таъсирида, айниқса шүрланган агрофонда кескин камайиб кетганлиги аниқланди. Битта далада тупроқ шүрланиши турлича бўлиши мумкин, бу даланинг рельефига, сизот сувларининг жойлашиш чукурлигига ва тупроқ она жинсига боғлиқ бўлади. Тупроқ шүрланиши вақт ва маконда ўзгарувчан бўлади, бу асосан сизот сувларининг жойлашишига, суғориш суви меъёрига ва коллектор дренаж системасининг ишлаш жараёнига ҳам боғлиқдир. тўртламчи давр аллювиал ётқизиклари майдада маҳсулотлардан (жинслардан) тузилган бўлиб, жуда оз ёки паст сув ўтказиш хусусиятига эгадир. Орол ва Сариқамиш томонга табиий ҳолда жуда миқдорда ер ости суви оқимини юриши, сув ўтказувчи сунъий заҳкашларнинг қониқарсизлигидан юқори томонга сув алмашиш жараёнини келтириб чиқарганки, бу ер ости сувлари ва тупроқ грунт

қатламларини шўрланишига олиб келади. Шунинг учун ерлардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш доимий мелиоратив тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, аввало захкашлар ва тупроқларни ювиш усулларини кўллашни тақозо этади.

Мураккаб экологик шароитида бир қанча қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилининг миқдори камайибина қолмасдан, балким, уларнинг сифати ҳам бузилади. Шунинг учун ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун экстремал шароитларга чидамли бўлган навларни яратиш ва уларнинг уруғларини зудлик билан купайтириш зарур.

Чучук сув миқдори йилдан–йилга камайиб бораётганлиги сабабли суғориладиган дехқончиликда минераллашган ва денгиз сувларидан фойдаланиш зарурияти туғилади. Шунингдек табиий ва иккиламчи шўрланишга учраган ерларда қишлоқ хўжалик экинларининг шўрланишга чидамли турларини ва навларини етиштириш муаммоси туғилмоқда. Шу сабабли, келажакда шўрланишга чидамли турлар ва навлар қишлоқ хўжалиги экинлари орасида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ўсимликларнинг шўрланишга мосланиш механизимларини билиш, уларнинг чидамлилигини оширишда генетик, физиолого-биокимёвий ва агробиологик хусусиятларини ўрганиш талаб қилинади (Батыгин, 1995; Алимгазинова, 2001). Ҳозирги даврда бундан ташқари ўсимликларнинг тупрок шўрланишига чидамлилигини оширишда ген инженерлиги, бридинг ва хужайра культуралари услубларидан кенг фойдаланилмоқда (Бутенко, 1999; Moore, 1984). Буғдойнинг шўрланишга чидамлилигини ген инженерлиги, бридинг ва хужайра культураси услубларида тажрибада синаб ўрганиб кўриб бу уччала йўналишнинг иқтисодий самарадорлиги бир хил эмаслигини аниқлаган.

Ўзбекистон шароитида кузги бугдой ўстиришга оид ўтказилган бир қатор илмий тадқиқотлар натижаларига қараганда, донли экинларнинг илдиз тизими, нафақат сув ва унда эриган озиқ моддаларни ўзлаштириб, уларни ўсимликтарнинг ер устки қисмларига етказиб берувчи орган, балки жуда кўплаб

органик моддалар синтез бўладиган муҳим органидир. Шунингдек, илдизларда мураккаб физиологик ва биокимёвий жараёнлар натижасида органик кислоталар, фосфорорганик моддалар, аминокислоталар, алколоидлар, амидлар ва бошқа бирикмалар ҳосил бўлиб, бу жараёнларда илдизлар ўсимликда модда алмашинуви, физиологик жараёнларда, хлорофил ҳосил бўлишида иштирок этиб, уларга таъсир кўрсатади

Уруғларнинг униб чиқиб туплаш жараёнида барча буғдой нав намуналарида бирламчи илдиз системаси бўйича нисбатан тез ўсишини кузатдик. Ўрганилган нав намуналари орасида бирламчи илдиз системасининг яхши ёки секин ривожланадиган шаклларининг бор эканлигини аникладик. Илдиз системаси яхши ривожланган нав намуналарининг униб чикиши ва ўсиши бошқа нав намуналарига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди. Илдиз системаси буғдой нав намуналарида ташқи муҳит тасирига тасирчан эканлиги кузатилди. Шу сабабли бизлар нав намуналарини ўрганиб, баҳолаб, танлаб ажратиб олиш жараёнида ўсимлик илдизининг ўсиб ривожланиш ҳолатига этибор қаратиб ўсимликнинг бошқа қимматли хўжалик белгилари билан бир қаторда уларни ҳисобга олишни таклиф этамиз. Уруғларнинг дала унувчанлиги, лаборатория шароитидаги унувчанликка тўғридан–тўғри боғлиқ эканлигини кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаб ўтган. Бизнинг тажрибамизда лобораториядаги унувчанлик билан дала унувчанлиги орасаидаги фарқ нав намуналар генотипига боғлиқ бўлиб 9,2–15,8% оралиғида бўлди.

Дала унувчанлигининг камайиб кетиш сабаби, ов –хаво, тупроқ шароити ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлганликдан уларнинг кам бўлиши табиий ҳол деб тушинса бўлади.

Биз нав намуналарининг ҳар хил шўрланган шароитда кўчат пайдо қилиш жараёнини таҳлил қилиб кўрганимизда, лаборатория шароитида уруғларнинг униб чиқиши хусусияти 1–синфга тааллуқли эканлиги аниқланди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, уруғларнинг униб чиқиш учун шароит канчалик қулай бўлса уларнинг униб чиқиш вақти шунча қисқаради ва дала унувчанлиги юқори бўлади (4.4.8-жадвал).

Кузги бугдой навлари уруғининг дистилланган сувда ивитиб экканда унувчанлигига, майса ва илдизининг ривожланишига қараб шўрланишга енгил чидамли, ўртacha чидамли, чидамли ва чидамлилиги юқори синфларга ажратиб ўргандик.

#### 4.4.8-жадвал

**Кузги буғдойнинг шўрланишга чидамлилиги кластери  
(г/25 уруғ) дистилланган сувда ивитилган**

Енгил чидамли	DW	Ўртacha чидамли	DW	Чидамли	DW	Чидамлилиг и юқори	DW
10UZMLY24	0,27	10UZMLY2	0,17	10AYTIR-29	0,20	<b>Dustlik</b>	0,21
10AYTIR-55	0,17	10UZMLY9	0,13	Tanya	0,17	<b>10CWA-23</b>	0,17
Kuma	0,16	Vuznaya-12	0,11	10CWA-25	0,15	<b>Vostorg</b>	0,12
10AYTIR-50	0,15	10CWA-14	0,07	10AYTIR-56	0,11	<b>10UZMLY8</b>	0,12
10CWA-2	0,09	Muskvich	0,06	Turkistan	0,11	<b>10AYTIR-2</b>	0,08
		68/2003	0,05				

DW- илдиз +майса куруқ огирилиги; кластер 10 дан 16 г/л гача хисобланган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилган кузги буғдой навларининг шўрланишга чидамлилиги бўйича кластерлаганда енгил чидамли навларга 10UZMLY24, 10AYTIR-55, Kuma, 10AYTIR-50 ва 10CWA-2 навлар кириши маълум бўлди. Тупроқ шўрланишига ўртacha чидамли навларга 10UZMLY2, 10UZMLY9, Vuznaya-12, 10CWA-14, Muskvich ва 68/2003 навлари кирган бўлса, тупроқ шўрланишига чидамли навларга 10AYTIR-29, Tanya, 10CWA-25, 10AYTIR-56 ва Turkistan навлари кирди. Тупроқ шўрланишига ўта чидамли Dustlik, 10CWA-23, Vostorg, 10UZMLY8 ва 10AYTIR-2 навлари деб топилди (4.4.8-жадвал).

Ушбу тажрибани дастлаб кузги бугдой уруғларини шўр сувда ивитиб экканда уруғларнинг унувчанлиги, майса ва илдизларнинг ривожланиши бўйича кластерлаб ўрганганди, дистилланган сувда ивитечанди чидамлилиги

юқори бўлган навлар шўр сувда ивитганда эса чидамли қаторга тўғри келиши аниқланди. Бундан кўриниб турибдики, шўрланиш кузги буғдой уруғининг дастлабки уйғониш давридан ўз таъсири ўтказиб бошларкан (4.4.9-жадвал).

#### 4.4.9-жадвал

Кузги бугдойнинг шўрланишга чидамлилиги кластери  
(г/25 уруғ) шўр сувда ивтиилган

Енгил чидамли	DW	Ўртacha чидамли	DW	Чидамли	DW	Чидамлилиги юқори	DW
10UZMLY24	0,26	10CWA-14	0,15	<b>Vostorg</b>	0,15	None	
10UZMLY2	0,16	10AYTIR-29	0,08	10CWA-25	0,14		
10AYTIR-50	0,16			<b>10CWA-23</b>	0,14		
Kuma	0,14			10AYTIR-56	0,10		
10AYTIR-55	0,14			<b>10AYTIR-2</b>	0,09		
Krasnodar-99	0,12			<b>10UZMLY8</b>	0,09		
68/2003	0,12			<b>Dustlik</b>	0,07		
Tanya	0,11						
Muskvich	0,11						
10UZMLY9	0,11						

DW- илдиз +майса қуруқ оғирлиги; кластер 10 дан 16 г/л гача хисобланган

Шўр сувда ивтииб экилган кузги бугдой навларининг шўрланишга енгил чидамли навларга қуйидаги кетма-кетликда 10UZMLY24, 10UZMLY2, 10AYTIR-50, Kuma, 10AYTIR-55, Krasnodar-99, 68/2003, Tanya, Muskvich ва 10UZMLY9 навлари кирди.

Ўртacha чидамли навларга 10CWA-14 ва 10AYTIR-29 навлари, чидамли навларга Vostorg, 10CWA-25, 10CWA-23, 10AYTIR-56, 10AYTIR-2, 10UZMLY8 ва Dustlik навлари кирди (4.4.9-жадвал). Бундан кўриниб турибдики, ўрганилган кузги буғдой навларининг шўрланишга чидамлилиги турлича бўлиб, айрим навлар ўсишнинг дастлабки давридан шўрланиш туфайли нобуд бўларкан. Шунинг кузги буғдой навларини жойлаштиришда албатта тупроқ шўрланиш даражаси инобатга олиниши зарур.

## Хулоса

1. Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида биринчи маротаба кузги бугдойнинг нав намуналари таққослаш асосида шўрланишга чидамлилиги лаборатория шароитида ўрганилди ва шўрга чидамлилиги хусусияти бўйича баҳоланди.
2. Ўрганилган кузги бугдой навлари уруғи дастлаб дистилланган сувда ивитиб ва кейин NaCl тузининг ҳар хил концентрацияларида ундирилганда, концентрация 10 г/л дан ошганда, айниқса 16 г/л га етганда уруғларнинг унувчанлигига салбий таъсир кўрсатар экан. NaCl тузининг концентрацияси 20 г/л га етганда ўрганилган навларнинг 60 фоизга яқини унувчанлигини паст бўлиб, кузги буғдой уруғларининг унувчанлиги учун чегараловчи омил деб хисоблаш мумкин.
3. Уруғларнинг униб чиқиб туплаш жараёнида барча буғдой нав намуналарида бирламчи илдиз системаси бўйича нисбатан тез ўсишини кузатилди.
4. бугдой нав намуналарининг униб чиқиш ҳолатига тупроқнинг шўрланиш даражаси ўз таъсирини кўрсатиши маълум бўлди. Нав намуналарининг униб чиқиш бўйича кўрсатгичлари тупроқнинг шўрланиш даражасига ва нав ўзгачалигига боғлиқ бўлар экан. Бизнинг тажрибамизда шўрланган агрофон шароитида нав намуналарининг уруғларининг униб чиқиши вақти кечикиб нав намуналари бўйича фарқи 2-6 кунга teng бўлди. Бунинг асосий сабаби шўрланган муҳитда тузлар эритмасининг миқдори ўсимликлар учун муқобил даражадан кўп бўлишидир.
5. Ўрганилган нав намуналари орасида бирламчи илдиз системасининг яхши ёки секин ривожланадиган шаклларининг бор эканлигини аниқланди. Илдиз системаси яхши ривожланган нав намуналарининг униб чиқиши ва ўсиши бошқа нав намуналарига нисбатан юқори бўлганлиги, илдиз системаси буғдой нав намуналарида ташқи муҳит тасирига тасирchan эканлиги кузатилди. Шу сабабли бизлар нав намуналарини ўрганиб, баҳолаб, танлаб ажратиб олиш жараёнида ўсимлик илдизининг ўсиб

живожланиш ҳолатига этибор қаратиб ўсимликнинг бошқа қимматли кўжалик белгилари билан бир қаторда уларни хисобга олиш зарур.

6. Уруғларнинг дала унувчанлиги, лаборатория шароитидаги унувчанликка тўғридан–тўғри бўлиб, лабораториядаги унувчанлик билан дала унувчанлиги орасидаги фарқ нав намуналар генотипига боғлиқ бўлиб 9,2–15,8% оралиғида бўлди.
7. Кузги буғдойнинг шўрланган тупроққа экканда сувда эрийдиган тузлар концентрацияси 8 г/л дан ошгандан кейин айрим навларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун, тупроқ эритмасида сувда эрийдиган тузларнинг концентрация 7-8 г/л ошганда кузги буғдойнинг шўрланишга чидамли навларни экиш тавсия қилинади. Акс холда, тупроқ таркибида сувда эрийдиган тузлар концентрацияси юқори бўлса, тупроқда осмотик босим ошиши туфайли ўсимликка намлик етишмаслиги кузатилади ва оқибатда ўсимлик нобуд бўлади.
8. Эритмадаги NaCl тузининг концентрацияси 18 ва 20 г/л ни ташкил этганда, ўрганилган 24 навдан 5 та нав уруғининг унувчанлиги қониқарли бўлиб, бу 10CWA-23, Krasnodar-99, 10UZMLY7, 10UZMLY9, Dustlik навлари хисобланади.
9. NaCl тузининг ҳар хил концентрацияси кузги буғдой навлари уруғининг унувчанлигига таъсири турлича бўлиб, концентрация 16 г/л дан ошгандан кейин уруғнинг унувчанлигига кучли салбий таъсир этиб, уругларнинг унувчанлик фаолияти йўқолиш ҳолати кузатилар экан.
10. Ўрганилган кузги буғдой навлари уруғини дистилланган сувда ивитиб шўрланишга чидамлилиги бўйича кластерлаганда енгил чидамли навларга 10UZMLY24, 10AYTIR-55, Kuma, 10AYTIR-50 ва 10CWA-2 навлар кириши маълум бўлди. Тупрок шўрланишига ўртача чидамли навларга 10UZMLY2, 10UZMLY9, Vuznaya-12, 10CWA-14, Muskvich ва 68/2003 навлари кирган бўлса, тупроқ шўрланишига чидамли навларга 10AYTIR-29, Tanya, 10CWA-25, 10AYTIR-56 ва Turkistan навлари кирди. Тупроқ шўрланишига

ўта чидамли Dustlik, 10CWA-23, Vostorg, 10UZMLY8 ва 10AYTIR-2 навлари деб топилди.

11. Шўр сувда ивитиб экилган кузги буғдой навларининг шўрланишга енгил чидамли навларга куйидаги кетма-кетлиқда 10UZMLY24, 10UZMLY2, 10AYTIR-50, Kuma, 10AYTIR-55, Krasnodar-99, 68/2003, Tanya, Muskvich ва 10UZMLY9 навлари кирди. Ўртача чидамли навларга 10CWA-14 ва 10AYTIR-29 навлари, чидамли навларга Vostorg, 10CWA-25, 10CWA-23, 10AYTIR-56, 10AYTIR-2, 10UZMLY8 ва Dustlik навлари кирди.
12. Ўрганилган кузги буғдой навларининг шўрланишга чидамлилиги турлича бўлиб, айrim навлар ўсишнинг дастлабки давридан шўрланиш туфайли нобуд бўларкан. Шунинг кузги буғдой навларини жойлаштиришда албатта тупроқ шўрланиш даражаси инобатга олиниши зарур.

## **Ишлаб чиқаришга тавсия**

Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида иккиламчи шўрланишга учрайдиган ерларга кузги буғдой экинда иккиламчи шўрланишга кам учрайдиган майдонларга 10UZMLY24, 10AYTIR-55, Kuma, 10AYTIR-50 ва 10CWA-2 навларини, иккиламчи шўрланишига ўртача учрайдиган майдонларга 10UZMLY2, 10UZMLY9, Vuznaya-12, 10CWA-14, Muskvich ва 68/2003 навларини, иккиламчи тупроқ шўрланишига кучлироқ мойил бўлган майдонларга 10AYTIR-29, Tanya, 10CWA-25, 10AYTIR-56 ва Turkistan навларини, иккиламчи тупроқ шўрланишига кучлироқ мойил бўлган майдонларга Dustlik, 10CWA-23, Vostorg, 10UZMLY8 ва 10AYTIR-2 навларини экиш тавсия этилади.

Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида енгил шўрланган майдонларга кузги буғдойнинг 10UZMLY24, 10UZMLY2, 10AYTIR-50, Kuma, 10AYTIR-55, Krasnodar-99, 68/2003, Tanya, Muskvich ва 10UZMLY9 навларини, ўртача шўрланган майдонларга 10CWA-14 ва 10AYTIR-29 навларини, шўрланган майдонларга Vostorg, 10CWA-25, 10CWA-23, 10AYTIR-56, 10AYTIR-2, 10UZMLY8 ва Dustlik навларини экишни тавсия этилади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

### **Китоб ва туркум нашрлари:**

1. Каримов И.А. Хозирги босқичда демократик ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 21 – 24 бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 14 – 15 бетлар.
3. Каримов И.А. Ислоҳатларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 19 бет.
4. Азимов Р.А. Физиологическая роль кальция в солеустойчивости хлопчатника. Ташкент: Фан, 1973. 204 б
5. Вавилов Н.И. Генетика и селекция. Избр. Соч.-Москва. Колос. 1966. 559 с
6. Глазовский Н.Ф. Аральский кризис причины возникновения, пути выхода. М. Наука, 1990. 136 б.
7. Кабулов С. К. Изменение фитоценозов пустынь при аридизации. Ташкент, Фан, 1990. 239 б.
8. Ковалев В.М. Теоретические основы оптимизации формирования урожая. М.МСХА,1997. 284 б.
9. Строгонов Б.П. Физиологические основы солеустойчивости растений. М. Изд-во АН СССР. 1962. 366 с.
10. Удавенко Г.В. Гончарова Э.А. Влияние экстремальных условий среды на структуру урожая сельскохозяйственных растений//Л: Гидрометеоиздат, 1982, 144 б.
11. Лев А. А. Ионная избирательность клеточных мембран. Л.: Наука, 1975, 211

### **Диссертация ва авторефератлар:**

12. Аманов М. А. Водный режим и засухоустойчивость пшеницы и ячменей в онтогенезе условиях равнинно–холмистой боргари Узбекистана. Автореферат диссертации// Киев, 1986 г.

13. Жуковская Н.В. Влияние засоления почвы на дыхание и фосфатный обмен растений. Автореф. Дисс... докт. биол. наук. М., 1973.
14. Ивлева Л.Б.Мембранные АТФаза корневых клеток хлопчатника в норме и при засолении. Автор. дисс. На соиск. уч. степени канд. биол. наук. Ташкент. 1994. 26 с.
15. Иващенко В. В. – Селекционно – генетическая оценка некоторых сортов озимой мягкой пшеницы по адаптивности в связи с селекцией на гомеотатичность. Автореф. на соиск. уч. степени канд. биолог. Нукус. Краснодар – 2002 . 28 с.
16. Милехин А. В. Автореф.дисс. на соиск. учен. канд. наук Саратов -2002 23 с.
17. Ковалев В.М. Теоретические основы оптимизации формирования урожая. М.МСХА,1997. 284с.
18. Ахметов Р. Р. Исследование состава, структуры и функциональной активности хроматина клеточных ядер при различных физиологических состояниях и гетерозисе растений. Автореф. Дис. докт. биол. наук. Алма-Ата. 1974, 46 с.
19. Жуковская Н.В. Влияние засоления почвы на дыхание и фосфатный обмен растений. Автореф. Дисс... докт. биол. наук. М., 1973.

#### **Журналлардаги маколалар:**

20. Азизбекова. З. С.,Кабанов В.В., Алавердиев С.Р., Мамедова С.Ю. Значение кальция в повышении солеустойчивости некоторых сельскохозяйственных растений\\Докл. АН АзССР. -1985.-Т.41, №12.-С.6468.
21. Авилова Л.В., Ляхова Ф.Н. Мешкова И.Г. Возобновление митотической деятельности в зародыше ячмена при хлоридном и сульфатном засолении Деп. В. ВИНИТИ 1983. №6227-83.с.1-7.
22. Аманов. А. Селекция и семеноводство пшеницы в Узбекистане. 1-ая Центрально - Азиатская конференция по пшенице Материалы. Алматы 2003 с. 3 б.

23. Азимов Р.А. Значение ионов кальция в регуляции метаболизма и солеустойчивости растений. В кн.: Проблемы солеустойчивости растений. Ташкент: «Фан», 1989. –С. 34-94.6
24. В. А. Адилов. Мирзачулнинг шурланган тупрокларида кенг тарқалган айрим усимликларнинг биоморфологиаси. Узбекистон биологияси 2008. с 36. 39.6
25. А.А. Ахунов, З. Голубенко, Н.А. Абдураширова, Э.Ч. Мустакимова, П. Г. Сибашвили, С.С. Алиходжаева, С.Усманов. Биохимические исследования хлопчатника, адаптированного к условиям дефицита влаги и засоленности. \ж. Ўзбекистон биологияси, 2008 г с 10.6
26. Азимов Р. А. Физиология роста и развития хлопчатника при засолении и действии кальция. Ташкент. Фан. 1987 с. 12-25.6
27. Бальнокин Ю.В. Строгов Б.П. Значение солевого обмена в солеустойчивости растений. В кн.: Проблемы солеустойчивости растений. Ташкент. «Фан», 1989. – С. 3-33.
28. Баранникова З. Д Критический период в онтогенезе злаков по отношению к температурным условиям В кн. «Физиолого – генетические основы повышение продуктивности зерновых культур М. Колос, 1975. с.102-111.
29. Батыгин Н. Ф. Физиология онтогенеза // Физиологические основы селекции растений. Спб. ВИР. 1995. Т. II. Ч. 1. с. 14-97.
30. Брежнев Д. Д., Дорофеев В. Ф. Растительные ресурсы как генетические база селекции сортов на устойчивость. В кн. Генетические ресурсы и селекция растений на устойчивость к болезням вредителям и абиотическим факторам среды. Материалы 5 конгресса. Под общей редакцией ак. ВАСХНИЛ Д.Д Брежнева и чл коор. ВАСХНИЛ В.Д. Дорофеева. ВНИИР им Н.И. Вавилова. Ленинград. 1981 с. 5-24.
31. Виноградова В.В., Грушин А.А. Сердюк Л.С. Состояние нулеионовых кислот клеточных ядер озимой пшеницы с связи с закаливанием и

промораживанием // Тр. По приклад. ботан, гнет. И селекции. 1976, т. 57. №2. с. 111-118.

32. Василенко. И. И. Методы, результаты и перспективы селекции яровой пшеницы. Вестник сельхозной науки. 1975. №12 с. 131-136.

33. Гаенко О.Н. Джанумов Д.А. Веселовский В.А., Тарусов Б.Н. Первичные физико-химические повреждения хлоропластах Гроха при действии токсических концентраций NaCl // С.-х. Биология. 1975. т. 10. с. 849-853.б

34. Генкель П.А. Физиология адаптации растений к засолению. Проблемы ботаники. 1950. вып. 1. с 406-426 б.

35. Дорофеев. В. Ф. Селекция скороспелых сортов, проблемы и исходный материал. С.-х. биол. 1976 №10 с. 12-20.

34. Дорофеев В.Ф., Руденко М. И, Удачин Р.А. Засухоустойчивые пшеницы. (Методические указания). Л., ВИР, 1974. 186 с

35. Зубов А.Н. Потенциал покоя и спонтанная биоэлектрическая активность клеток *Nitella flexilis* в растворах с различным ионным составом. В кн., Харовые водоросли и их использование в исследовании биологических процессов клетки. Вильнюс, 1973.-С. 187-196.с

36. Кондратьев М.Н. Костюкович М.Ф. Третьяков Н.Н. Роль соотношения Ca: K в почве при поглощении и ассимиляция нитрата кукурузой // Изв. ТСХА. 1984. вып/ 3. с. 113-117.

37. Кабулов.С.К.,Орел. М.М. Засоление орошаемых земель в связи с ухудшением качества поливной воды. Актуальные проблемы комплексного изучения природы и хозяйств Южных районов Узбекистана. Карши. 1991. 25 б.

38. Кабулов С. К. Климатический эффект усыхания Аральского моря. Вестник ККО АН РУз. 1997. № 4. 5 -11 б.

39. Кулаев И.С. Биохимия и биотехнология неорганических пирофосфатов // Биохимия, 2000. Т. 65. Вып. 3. С. 323-324.

40. Клячко Н.Л. Кулаева О.Н. Теплоустойчивость белкового синтеза у листьев разного возраста // ДАН ССР, 1969, т. 188. №1. с. 230-232.

41. Кириченко. В. Г. Панамариев А.И. Наследование признаков высоты растений у гибридов озимой пшеницы. Журнал. 1975.
42. X. X. Кушиев. Изучение адативных реакций на стресовые факторы у озимой пшеницы Т.Л \\. Ж Узбекистон биологияси 2009 с 40- 42.
43. Т. Ходжакулов. Буғдой селекциясининг бошланғич манбаи\\. Ж. Узбекистон қишлоқ хужалиги. 2007. с.18.6
44. Келлер.Б. А. Явления крайней солеустойчивости у высших растений в дикой природе и проблема приспособления. \\\Труды лабаратории эволюционной морфологии и экологии АН СССР. т.1, 1940 с.193-215 б
45. Липана Л.П. Строгонов Б.П. Локализация слоёв в клетках в связи с приспособлением растений к условиям зосоления // Успехи совр. Биол. 1979. т. 88. вып. 1. с. 93-107.
46. Лебедов С.И. Кляченко В.И. Влияние кальция и магния на активность хлоропластов ячменя // Физиология и биохимия культурных растений. 1971. т. 3. №5.
47. Лыфенко С. Ф. Продолжительность вегетационного периода сортов и селекционные формы мягкой пшеницы, и её связь с продуктивностью. Сб. тр. « Физиологические аспекты продуктивности устойчивости озимой пшеницы к стрессовым воздействием ». Одесса, 1984. Стр. 18 -28.
48. Лукьяненко П. П. « Селекция низкостебельных сортов мягкой пшеницы для условий орошения ». Вест. С –х науки 1973.№ 12.С. 8- 15.
49. Удавенко Г.В Механизмы адаптации растений к засолению почвы: физиологические и генетические аспекты солеустойчивости. В.кн.: Проблемы солеустойчивости растений. Ташкент. «Фан», 1989. С.113-141.
50. Удовенко Г. В. Устойчивость растений к абиотическим стрессам// Физиологические основы селекции. Теоретические основы селекции. Спб. ВИР. 1995. Т.II.Ч. I. с. 293-352.с

мягкой пшеницы для условий орошения и исходный материал Селекция и семеноводство зерновых, зернобобовых и кормовых культур.1983.

52. Якунцов М.М., Роньжина О.А., Липнягова Л.А. Действие почвенной засухи на систему адениловых нуклеотидов яровой пшеницы//Физиология и биохимия культурных растений. 1976.-Т.8, №3.-С.257-261.

53. Приходько Н.Б. Изменение проницаемости клеточных мембран как общее звено механизмов неспецифической реакции растений.,1977.Т.9,№ 3.- С. 30П1-309 с.

54. Палонский В.И. Об оценка ячмения на устойчивость к зосолению. Ж. Селекция и семеновод №2.2002 с.19-20 с.

Рихтер А.А. Физиологические основы устойчивости растений Юго-Востока. К вопросу о солеустойчивости. Журн. опытн. Агрон. Юго-Востока. 1927.т.3. вып.2. 316 б.

55. Шматъко И.Г., Рубаньюк Е.А. Сортовые особенности нуклеинового обмена озимой пшеницы при водном дефиците // Устойчивость растений к неблагоприятным температурным условиям среды. Киев: Наукова думка, 1976, с. 171-177.

56. Шевякова Н.И. Состояние и новые подходы к решению проблемы солеустойчивости растений. В кн.: Проблемы солеустойчивости растений. Ташкент. «Фан», 1989. С. 95-112.

57. Эйдус Л.Х. Неспецифическая реакция клеток и радиочувствительность. М: Атомиздат, 1977, С. 152.

### Тезислар:

58. Азимов Р.А. Роль кальция в регуляции метаболизма и солеустойчивости растений \\\Тез.доклад. 1V Всесоюзн. Симпоз. «Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений»,-Ташкент,-1986.-С.65.

59. А.А.Имирсинова- Динамика цветения озимой мягкой пшеницы  
Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов  
Южного приаралья". Нукус -2006 г.

60. Мусиенко Н. Н. Жаростойкость озимой пшеницы в условиях засоления. Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений. Т, 1986. с 20.
61. Петров Л. Н., Попов В.Ф. Определение солеустойчивости озимой пшеницы на засоленных почвах черноземной зоны по показателю теплоустойчивости семян. Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений. Ташкент, 1986 г. с 65
62. Удовенко Г.В. Солеустойчивость растений физиологические и генетические аспекты Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений. Ташкент, 1986 г. с 53.
63. Шорин Н. В Леонтьев С. И. Солонцеустойчивость озимых культур. Физиологические и биохимические основы солеустойчивости растений тезис докладов Ташкент. 1986. с- 167
64. Addiscott Thomas M. Potassium and the distribution of calcium and magnesium in potato plants // J. Sci. Food and Agr., 1974, v. 25, N 9. P. 1173-1183.
65. Aslam, Huffaber R.C., Rains D. W. Early effects of salinity on nitrate assimilation in barley seedlinge// Plant Physiol., 1984. V. 76, N 2.P. 321 -325.
66. Balasubramanian, V. and Sarin,M. N. 1974. Analysis of growth of salt stressed wheat seedling. Indian.J.PI. Physiol. 17 : 23 - 27.
67. Balasubramanian, V.and Sarin, M.N.1974. Effect of growth retardants in yield of wheat grown on saline soils. Indian J. PI. Physiol. 17 : 36 -38.
- Borowitzka L. J., Brown A. D.The salt relation of marine and halophilic species of the unicellular alga Dunaliella //Arch.Microbiol, 1974, v. 96, N I.P.37-52.
68. Ben- Hayyim G., Kafkafi V., Ganmore -Neumanon R. Role of internal potassium in maintaining growth of cultured Citrus cells on increasing Na Cl and Ca Cl<sub>2</sub> concentrations // Plant Phyaiol. M., 1987.- V. 85, N 2.- P. 434-439.
69. Grath J. F., Robson A. D. The movement of zinc through excised stems of seedlings of Pinus radiate D./Ann. Dot., 1984, v. 54, N 2. P. 231 -242.

70. Hasson – Porath E., Poljakoff – Mayber A. Content of adenosine phosphate compounds in pea roots, growth in saline media // Plant Physiol., 1971, v. 47, N 1. P.109 – 113.
71. Heber U., Santarius K. A. Water stress during freezing // Ecol. Stud. 1976, v. 19, Berlin e. a. P.2 53 – 267.
72. Hill B. S., Hill A. E. ATP – driver chloride pumping and ATPase activity in the Limonium salt gland // J. Membr. viol., 1973. v. 12, N 2. P. 145-158.
73. Flowers N. J., Troke P. F., Yeo A. R. The mechanisms of salt tolerance in halophytes // Ann. rev. plant physiol., 1977, v. 28. p 89 – 121.
74. Kylin A., Quatrano R. S. Metabolic and biochemical aspects of salt – tolerance // Ecol. Stud., 1975, v. 15, Berlin e. s. p. 147 – 167.
75. Kalir A., Poljakoff- Mayber A. Effect of salinity on respiratory pathways in root tips of *Tamarix tetragyna* // Plant Physiol., 1976, v. 57, N 2.P. 167 – 170.
76. Keltjens W. C. Factors affecting absorption and transport of potassium in maize roots // IPI Res. Top., 1983,v 3, N 10. P.33 -35.
77. Lauchi A., Epstein E. Mechanisms of salt tolerance in plants // Calif. Agr., 1984.–V. 38, N 10. P. 18 -20.
78. Longstreth D.J., Botanos J. A., Smith S. Salinity effects on photosynthesis and growth in *Alternathera philoxeroides* // Plant Physiol., 1984.- V. 75 N 4,- P.1044- 1047.
79. La- Haye P. A., Epstein E. Calcium and tolerance by bean plants // Physiol., plant., 1971, v. 25, N 2. P 213 -218.
80. Levitt J. Responses of plant to environmental stresses. New York, 1966. 666 p.
81. Moore A., Akerman K. E. O. Calcium and plant organelles// Plant, Cell and Environ., 1984, v. 7, N 6. P 423-429.
82. Nielsen N. e., Hansen E.M., Macro nutrient cation uptake by plants. II. Effects of plant species, nitrogen concentration in the plant, cation

concentration, activity ratio in soil solution // Plant and Soil., 1984, v. 77 N 2 - 3. P. 347 – 365.

83. Nielsen N. E., Sorensen C. B. Macro nutrient cation uptake by plants. 1. Rate determining steps in net inflow of cations into intact and decapitated sunflower plants and intensity factors of cations in soil solution// Plant and Soil, 1984, v. 77, N 2-3. P. 236 -237.

84. Nambudiri E. M. V., Thomas M. K. Effects of chemicals on the germination of pollen grains of *Torenia asiatica* Linn.// Great Basin Nature., 1974, v. 34. N 11. P. 71- 81.

85. Penot M. Modifications de la permeabilite et du transport du molybdate au cours du vieillissement foliaire //C. R. Acad. Sci., 1974, v. D278, N 22. P. 2779 – 2782 .

86. Treichel S. Der Einflub von Na Cl auf die Prolinkonzentration verschiedener Halophyten // Z. Pfanzenphysiol., 1975,v.76, N 1. P.56- 68.

87. Tripathi B. K. Nutrition minerale et rhizogenese des tissue de toppinambour (*Helianthus tuberosus* L.) cultives in vitro //Rev. Cytol. et boil. veget., 1974,v.37, N 1-2. P. 1- 106.

88. Wilson A.W. Incorporation od  $^{32}P$  in seeds at low water potential // Plant Physiol., 1970, v. 45, N 4.P. 524 – 525.

89. Xin Zian He ; Chen Jianquan, Zhang ; Zhang Jinsong, Chen Shouy –Sci in China ser. C-2002.-45 №5. c- 477-484.